

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

48-49-сон
(132-133)
2004 й.
декабрь

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

492. «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 1 декабрдаги ПФ-3515-сон Фармони

493. «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 7 декабрдаги ПФ-3521-сон Фармони

Учинчи бўлим

494. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон карори

495. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-тахжил департаментлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарори

496. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўйимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарори
497. «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасида аккумулятор батареялари ишлаб чиқариши ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 7 декабрдаги 574-сон қарори [Кўчирма]

Бешинчи бўлим

498. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиаация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 19 ноябрдаги 157-сон бўйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 30 ноябрда 1186-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
499. «Тижорат банклари томонидан қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/9-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 2 декабря 1429-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 27 ноябрдан 10 декабргача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БҮЛЛІМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

492 Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қи- линганигининг ўн икки йиллиги муносабати билан амнистия түғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганигининг ўн икки йиллиги муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан, **қарор қиласман:**

1. Ўта оғир бўлмаган жиноятлар учун ҳукм қилингандар жазодан озод қилинсин:

- а) биринчи марта содир этган жинояти учун жазо ўтаётган аёллар;
- б) жиноят содир этган вақтда 18 ёшга тўлмаган шахслар;
- в) мазкур Фармон кучга киргунга қадар 60 ёшга тўлган эркаклар;
- г) жиноят содир қилгунга қадар доимий яшаш жойи Ўзбекистон Республикаси худудидан ташқарида бўлган, озод этилгандан сўнг Ўзбекистон Республикасида бўлиш учун қонуний асослар бўлмаган биринчи марта судланган чет эл фуқаролари.

2. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этганлар, шунингдек биринчи марта ҳукм қилингандар шахслар, башарти улар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган бўлсалар, жазодан озод қилинсин.

3. Мазкур Фармон кучга киргунга қадар бир йилдан ошмаган муддат ичидагунунда белгиланган тартибда жазони ўташга тўсқинлик қиласдан оғир касалликка чалинган ёки биринчи ва иккичи гурух ногиронлари деб топилган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган холатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

4. Озодликдан маҳрум этиш жазосига ҳукм қилиниб, ўталмай қолган жазо муддати икки йилдан кўп бўлмаган шахслар (жавобгарликни оғирлаштирадиган холатларда қасдан одам ўлдириш жиноятини содир этганлар бундан мустасно) жазодан озод қилинсин.

5. Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибида Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфисизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганлиги учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилиниб, тузалиш ўйлига қатъий ўтган шахслар жазодан озод қилинсин.

6. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек биринчи марта содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда кўрилмаган ишлар тутатилсин.

7. Мазкур Фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахслар жазо муддатининг ўталмаган қисми қўйидагича қисқартирилсин:

- а) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилингандарга — учдан бир қисмига;
- б) қасдан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилингандарга — тўртдан бир қисмига.

8. Тадбиқ этилмасин:

а) мазкур Фармон — ўта хавфли рецидивистларга, жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузәётган маҳкумларга. шунингдек муқаддам афв этиш ёки амнисия тартибидан жазодан озод этилган ва яна қасдан жиноят содир этган шахсларга:

б) мазкур Фармоннинг 1—4, 6, 7-моддалари — экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибидан Ўзбекистон Республикасининг конституцияйи тузумига карши жиноялар ёки жамоат хавфсизлигига карши бошқа килмишлар содир этганлиги учун хукм этилган шахсларга нисбатан.

9. Фармон эълон қилинган кундан кучга киради ва уч ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 1 декабрь,
ПФ-3515-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

493 Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи аёлларни ижтимоий муҳофаза қилишни кучайтириш, бу ишга бой ҳаётй тажрибага эга бўлган обрўли, энг малакали ва фаол хотин-қизларни жалб этиш мақсадида:

1. Белгилансинки, 2004 йилнинг 1 декабридан бошлаб фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчи лавозимларида ишловчи пенсионер аёлларга ёшга оид пенсиялар тўлиқ микдорда тўланади.

2. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги ҳамда республиканинг бошқа тегишли вазирлик ва идоралари билан биргаликда идоравий норматив хужжатларни мазкур Фармонга мувофиқлаштиурсинлар.

3. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари Р.С. Азимов ва С.Т. Иномова зиммаларига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь,
ПФ-3521-сон

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

УЧИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

494 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини мақбуллаштириш, унинг тармоқлар, худудларни ва мамлакат иқтисодиёти соҳаларини ривожлантиришдаги мувофиқлаштирувчи ролини ошириш, ахборот-таҳлил ишларини чуқурлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласи**:

1. Мухим комплекслар, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва соҳалари бўйича қуидаги Ахборот-таҳлил департаментлари Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг асосий таркибий бўлинмалари хисоблансин:

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар йигма ахборот-таҳлил департаменти;

Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти;

Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти.

2. Қуидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш схемаси 1-иловага мувофиқ;

Бош вазир, Бош вазир ўринбосарлари ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари аппаратларининг тузилмаси 2-иловага* мувофиқ;

Ахборот-таҳлил департаментлари тузилмаси ва уларнинг ходимлари сони 3—10-иловаларга* мувофиқ;

Вазирлар Маҳкамаси функционал бўлимлари тузилмаси ва уларнинг ходимлари сони 11-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири (Ш.М. Мирзиёев) Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари (Р.В. Абдуқодиров) билан биргаликда:

бир ой мuddатда тасдиқланган тузилмалар ва ходимларнинг сонига мувофиқ Ахборот-таҳлил департаментлари шакллантирилишини таъминласин, уларни юқори малакали кадрлар билан мустаҳкамласин;

икки ой мuddатда кўрсатиб ўтилган ҳар бир Ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низомларни ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

* 2—11-иловалар берилмайди.

икки хафта муддатда Вазирлар Маҳкамаси функционал бўлимлари ходимлари штат жадвалини ходимларнинг 11-иловага мувофиқ тасдиқланган сонига мувофиқ қайта кўриб чиқсин ва тасдиқласин;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг янги ташкилий тузилмаси тасдиқланиши муносабати билан бўшаб қоладиган ходимларни ишга жойлаштириш чора-тадбирларини кўрсинг.

4. Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари (Р.В. Абдуқодиров) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда амалдаги конун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсан.


5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 октябрь,
475-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига
1-ИЛОВА

Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш схемаси



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

495 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ахборот-таҳлил департаментлари тўғрисидаги низом- ларни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси **қарор қиласиди**:

1. Куйидагилар:

Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Коммунал соҳа, транспорт, капитал курилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ;

Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 6-иловага мувофиқ;

Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 7-иловага мувофиқ;

Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари бир хафта муддатда тегишли Ахборот-таҳлил департаментлари раҳбарлари ва мутахассислари функционал вазифаларининг тақсимланишини тасдиқласинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарлари зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 1 декабрь,
561-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар йиғма
ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Иқтисодиётдаги таркибий ислоҳотлар йиғма ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Йиғма департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Йиғма департаментнинг фаолияти:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини умуман мамлакат иқтисодиётида ҳамда минтақаларида бозор ислоҳотлари ва таркибий ислоҳотлар масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга;

макроиктисодий, тармоқ ва ижтимоий ривожлантириш дастурлари стратегиясини ишлаб чиқиша, макроиктисодий ва таркибий сиёsat самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар тайёрлашда марказий иқтисодий идоралар, бошқарувнинг тармоқ органлари ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментларининг прогноз-таҳлил фаолиятини мувофиқлаштиришга;

иктисодий ислоҳотлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш, иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш, маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишини, кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, унинг мамлакат минтақаларида роли ва аҳамиятини оширишнинг аҳволини таҳлил қилиш масалаларида Вазирлар Маҳкамаси аппарати департаментлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилишга йўналтирилган.

3. Йиғма департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Йиғма департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Йиғма департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Йиғма департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

6. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларни ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил гуруҳлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi ҳузурида ташкил этилган ахборот-таҳлил бошқармаси тегишли равишда вилоятлар,

Тошкент шаҳар ҳокимларига ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, шунингдек Йиғма департаментга хисоб беради.

7. Ахборот-таҳлил гурухлари раҳбарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши хузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси бошлиғи, шунингдек кўрсатиб ўтилган ҳудудий бўлинмалар мутахассислари лавозимга тегишли равишда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси томонидан Йиғма департамент мудири билан келишилган ҳолда тайинланади.

II. Йиғма департаментнинг вазифалари ва функциялари

8. Қуидагилар Йиғма департаментнинг асосий вазифалари хисобланади:

а) макроиқтисодий ривожлантириши ва ислоҳотларни амалга ошириш соҳасида:

марказий иқтисодий идоралар, давлат ва хўжалик бошқаруви бошқа органлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментларининг ахборот-таҳлилий фаолиятини мувофиқлаштириш асосида мамлакатда иқтисодий, ижтимоий, таркибий ва институционал ислоҳотларнинг амалга оширилишини мунтазам ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

иктисодиётдаги, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш ва уларни таҳлил қилиш асосида макроиқтисодий ахволнинг ва таркибий сифат ўзгаришлари мониторинги тизимини яратиш;

Хукуматнинг давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати департаментлари томонидан тайёрланадиган мухим иқтисодий, ижтимоий муаммолар, институционал ва таркибий ислоҳотлар бўйича мақсадли дастурлари ва қарорлари лойиҳаларини экспер特 баҳолаш;

макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини, мамлакат аҳолисини иш билан банд этиш ва уларнинг турмуш даражасини оширишни таъминлашнинг стратегик вазифаларини бажаришга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий ва таркибий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оммавий ахборот воситалари орқали жамоатчиликни макроиқтисодий ва ижтимоий вазият тўғрисида хабардор қилиш мақсадида ахборот-таҳлилий материалларни тайёрлашни ва тарқатишни, халқаро молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан биргаликдаги ишларни ташкил этиш;

б) ҳудудларни ривожлантириши соҳасида:

марказий иқтисодиёт идораларини ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларини, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини жалб этган ҳолда мамлакат минтақаларида иқтисодий, ижтимоий, таркибий ва маъмурий ислоҳотларнинг амалга оширилишини мунтазам ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

минтақаларда, шу жумладан маълумотларнинг тегишли базаларини яратиш ва уларни таҳлил қилиш асосида макроиқтисодий ахволнинг, ижтимоий вазиятнинг ва таркибий иқтисодий ислоҳотларнинг тизимли мониторингини яратиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан тайёрланадиган ҳудудларнинг мухим иқтисодий ва ижтимоий муаммолари бўйича мақсадли ҳудудий дастурлари ва Хукумат қарорлари лойиҳаларини экспер特 баҳолаш;

ҳар бир минтақада аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг даромадларини

кўпайтириш ва турмуш даражасини оширишни таъминлашга йўналтирилган иқтисодий, ижтимоий ва таркибий сиёсатнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

9. Йиғма департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

мамлакатни мавжуда макроиктисодий ҳамда ижтимоий ривожлантириш, таркибий ислохотларнинг амалга оширилиши масалалари бўйича маълумотлар баъзасининг яратилишини, юритилишини ва мунтазам янгилаб борилишини таъминлайди;

ўзи мутасаддилик қиласидаган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради ва таҳлил қиласи, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари учун, шунингдек уларни Вазирлар Маҳкамаси томонидан кўриб чиқиш учун тегишли маълумотномалар, таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

минтақаларда ишларнинг иқтисодий ва ижтимоий аҳволини, иқтисодий, таркибий ва маъмурий ислохотлар масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукуматнинг қарорлари бажаришини, шу жумладан жойига борган ҳолда, ўрганади, ўрганиш натижалари бўйича Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун тегишли таҳлилий материаллар ва таклифлар тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириклари ижросини назорат қиласи;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг республикани ижтимоий-иктисодий ривожлантириш якунлари бўйича мажлисларини тайёрлаш билан боғлиқ материалларни ишлаб чиқиш ва қарорларни расмийлаштиришда қатнашади, шунингдек мазкур материаллар тўғрисида Бош вазирнинг биринчи ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли мажлис қарорларининг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг биринчи ўринбосари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириклари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манбаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Йиғма департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ мутасаддилек қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги ахборот-таҳлил бошқармаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари ҳузуридаги ахборот-таҳлил гурухлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг биринчи ўринбосари бошчилек қиласиган тегишли ҳукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиласиди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиласиди, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади; ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Йиғма департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

10. Йиғма департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг ахборот-таҳлилий ва прогнозлаш фаолиятини, Вазирлар Маҳкамаси департаментларининг макроиктисодий ривожлантириш, ижтимоий, таркибий ва институционал ислоҳотлар, иқтисодиёт тармоқларини, секторларини ва минтақаларни иқтисодий ривожлантириш стратегияси ва дастурларини ишлаб чиқиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

марказий иқтисодиёт органлари, уларнинг илмий-тадқиқот марказлари ва институтлари ходимларини, маҳаллий ва хорижий эксперталарни жалб этган ҳолда ахборот ва таҳлилий тадқиқотлар ўтказиш учун вактинчалик эксперт таҳлил гурухлари ташкил этиш;

халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар, семинарлар ва кенгашлар ишида, шунингдек иқтисодий, ижтимоий, институционал ва таркибий ислоҳотлар муаммоларининг ахборот-таҳлилий тадқиқотлари бўйича халқаро лойиҳаларда катнашиш;

мутасаддилек қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир биринчи ўринбосарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Йиғма департамент тасарруфидаги соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган хужжатларни қайтариб юбориш.

Йиғма департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Йиғма департамент белгилаган муддатлarda бажарилиши керак.

11. Йиғма департамент:

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун; Вазирлар Маҳкамасига киритиладиган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқishнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа хужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топширикларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми таъминланиши учун жавоб беради.

IV. Йиғма департаментнинг тузилмаси

12. Йиғма департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, департамент мудирининг макроиқтисодий ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалалари бўйича ўринbosari, департамент мудирининг ҳудудларни ривожлантириш масалалари бўйича ўринbosari, макроиқтисодий ривожлантириш ва ислоҳ қилиш, ҳудудларни ривожлантириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Йиғма департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

13. Йиғма департамент ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

14. Йиғма департамент мудири, мудир ўринbosарлари ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Йиғма департамент фаолиятини ташкил этиш

15. Йиғма департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш

тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг биринчи ўринbosарининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруклари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Йифма департаментнинг чораклик иш режалари, мудир, унинг ўринbosарлари ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Йифма департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг ва унинг ўринbosарлари шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бош вазирининг биринчи ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бош вазирнинг биринчи ўринbosари билан келишилади ва Йифма департамент мудири томонидан тасдиқланади.

16. Йифма департамент мудири:

Йифма департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, ўз ўринbosарлари, мутахассислар ишларини ташкил қиласи ҳамда Йифма департаментга юкланган вазифалар, функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Йифма департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича хужжатлар лойиҳаларини ва бошқа хужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хуносаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йифилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Йифма департамент мутасаддилик қиласиган соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказадиган йифилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг карорини талаб қилмайдиган хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

ўз ўринbosарлари ва Йифма департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларни тасдиқлаш учун Бош вазирнинг биринчи ўринbosарига киритади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

Йифма департаментдан чикувчи хат-хабарларни имзолайди;

Йифма департамент ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Йифма департамент мудири ўринbosарлари ва мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosарига тақдим этади.

17. Йифма департамент мудири вактинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринbosари томонидан белгиланадиган Йифма департамент мудирининг ўринbosарларидан бири бажаради.

18. Йифма департамент мудирининг ўринbosари:

тегишли мутахассисларга бевосита раҳбарлик қиласи ҳамда ўзига биркитилган

масалалар бўйича Йиғма департаментга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ўзига бўйсунувчи мутахассислар ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларнинг ва хужжатлар лойихаларнинг сифатли ва ўз вақтида тайёрланишини ташкил қиласи, топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратни таъминлайди;

тегишли масалалар бўйича маълумотларнинг тизимили базаси яратилиши ва юритилиши, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилиши устидан назоратни амалга оширади;

материаллар тўғрисида Йиғма департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Бош вазирнинг биринчи ўринbosарига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

ислохотларни чукурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек тегишли соҳалардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларнинг ишлаб чиқилишини ташкил қиласи ва уларни Йиғма департамент мудирига тақдим этади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ҳамда идоралароро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, ўзи мутасадилик қиласидаги соҳага кирадиган масалалар бўйича Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ва вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишлар ўтказади, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорларининг лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қиласи;

чиқувчи хат-хабарларни Йиғма департамент мудирининг топшириғига биноан имзолайди;

Йиғма департамент мудирига тегишли мутахассислар ўртасида вазифаларни тақсимлаш бўйича таклифлар киритади;

Йиғма департамент мудирига мутахассисларни лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисида таклифлар тақдим этади.

19. Йиғма департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишини назорат қиласи;

тегишли масалалар бўйича туркумланган маълумотлар базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қиласди;

материаллар тўғрисида Йигма департамент мудирига, унинг ўринбосарига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хуносаларни тайёрлади;

ислоҳотларни чукурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек ўзига биркитилган масалалар бўйича мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан тақлифларни ишлаб чиқади ва Йигма департамент мудири ўринбосарига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Хукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Хукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қиласди.

20. Йигма департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлади, Йигма департамент мудири, унинг ўринбосари ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг ахволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

ўзига биркитилган соҳа бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шаклантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Йигма департамент мудирига, унинг ўринбосарига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва

унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда катнашади;

Йиғма департамент мудирининг ўринbosари ва бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида мухокама қиласди.

21. Инспектор Йиғма департаментда иш юритишни амалга оширади, хужжатларнинг ўтишини назорат қиласди, хужжатлар йиғмажилдларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари
ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Агросаноат ва сув хўжалиги комплекслари масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш; сув хўжалиги ва сув хўжалиги курилиши; ердан оқилона фойдаланиш ва атроф мухит муҳофазаси; агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлашга ўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазирига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

a) қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиши ва фермерликни ривожлантириши соҳасида:

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишни тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

фермерлик харакати мониторингини таъминлаш ва унинг ривожланишини таҳлил этиш;

қишлоқда ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси объектлари шакллантирилиши мониторингини ташкил этиш;

қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

манбаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда агросаноат комплекси ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли прогнозлари ва дастурлари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

аграр секторда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, шартнома муносабатлари негизидаги ижара муносабатлари ва хўжалик юритиш тизимларини кенг ривожлантириш, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчисининг манбаатлари ишончли таъминланишига қаратилган иқтисодий ва хукуқий шарт-шароитлар яратиш ишларини мувофиқлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши соҳасида хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликни кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар, агросаноат комплекси тармоғига хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун норматив-хукуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

агросаноат комплекси тармоқларида монополиядан чиқариш жараёнларини чуқурлаштириш, рақобат учун шарт-шароитлар яратишга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини такомиллаштириш, замонавий агротехнологияларни ва қишлоқ хўжалиги экинларини навлар бўйича жойлаштириш ишларини ташкил этиш;

селекция ва уруғчилик, наслчилик, ветеринария, ўсимликлар карантини, чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик маҳсулотлари хавфсизлиги соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари этиштириши молиялаштириш тизимини тақомиллаштиришни таҳлил қилиш ва унга доир таклифлар тайёрлаш;

бозор принциплари ва механизmlари асосида тармоқлар, бўғинлар ва қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатувчи тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

б) сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши соҳасида:

сув хўжалиги комплексида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

сув хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар мониторингини таъминлаш ва уларнинг амалга оширилишини таҳлил қилиш, сув хўжалигида бошқарув шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари,

қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

эскидан сугориб келинаётган ерларнинг мелиоратив холатини яхшилаш ва янги ерлар ўзлаширилишини таҳлил қилиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

сув хўжалиги тизими ишлаши масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

ирригация тизимларини бошқаришнинг ҳавза принципини ва барча даражаларда сувдан фойдаланишнинг бозор принципларини жорий этиш асосида сув ресурсларини давлат томонидан бошқариш бўйича комплекс чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;

в) ердан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасида:

ердан фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси соҳасида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ер ресурслари, экологик вазият мониторингини таъминлаш ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланишини таҳлил қилиш, табиатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш;

ердан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва ер муносабатларини тартибга солиш бўйича давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, ер тузиш ва ер мониторинги, тупроқни сақлаш, унинг унумдорлигини ошириш ва тиклашни ташкил этиш, ердан фойдаланишда бозор принциплари ва механизmlарини кенг жорий этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

атроф муҳит муҳофазаси соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, атроф муҳит муҳофазасининг норматив ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш ишларини ташкил этиш;

давлат ер кадастри, давлат картография-геодезия кадастри, бинолар ва иншотларнинг давлат кадастри, шунингдек Давлат кадастрларининг ягона тизимини жорий этиш ишларини мувофиқлаштириш;

ер ресурслари ва бошқа табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, республикада экологик вазиятни яхшилаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ишларини мувофиқлаштириш;

ўрмонлардан фойдаланиш, уларни кўриқлаш ва муҳофаза қилиш, ўрмон хўжалигини ривожлантириш масалаларини таҳлил қилиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

г) агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш соҳасида:

агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

агросаноат комплексининг қайта ишлаш корхоналари мониторингини таъминлаш ва улар фаолиятини таҳлил қилиш;

агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларида бошқарув тизимини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, бозор принциплари ва механизmlарини кенг жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқлари корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

агросаноат комплекси тармоқларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган соҳа масалалари бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг ахволини ўрганади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринbosарлари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

агросаноат комплекси тармоқларини ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқларда ислоҳотларни чукурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижросини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа хужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йигилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил қилади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддиллик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Хукуматларо битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари бошчилик қиласидиган тегишли Хукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалалар-

ни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қилади, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби таълаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойихаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси конунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топширикларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва фермерликни ривожлантириш; сув хўжалиги ва сув хўжалиги қурилиши; ердан оқилона фойдаланиш ва атроф мухит муҳофазаси; агросаноат комплексининг қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўрикномага, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг бўйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қиласи ҳамда Департамент юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган

хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

Департаментдан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган тақлифларни Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига тақдим этади.

15. Департамент мудири вактинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини экспер特 баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қилади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базаси яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қилади;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринbosарларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбариға ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва экспер特 хулосаларни тайёрлайди;

ислоҳотларни чукурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегиши тармоқларида ва худудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказадиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари

лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади; тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат килади.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажарди, материалларнинг ўз вактида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Вазирлар Махкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

тегишли тармок бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Махкамаси Аппаратининг Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Махкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Махкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгилangan тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилади.

18. Инспектор Департаментда иш юритиши амалга оширади, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қилади, ҳужжатлар йигмажилларининг тайёрланишини ва архивда саклашга ўз вактида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига муовфик ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш; транспорт ва транспорт коммуникациялари; капитал қурилиш ва пудрат ишлари дастурлари; қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноати; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш масалалари бўйича ахборот — таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

a) коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш соҳасида:

коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

коммунал соҳада мониторингни таъминлаш, ушбу соҳадаги аҳвол ва вазиятни таҳлил этиш, коммунал хизмат кўрсатишдаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг

қарорларини ижро этиш бўйича фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

иктисодий ислохотларни амалга ошириш ва коммунал хизмат қўрсатиш тизимини ривожлантиришга доир вазифалар комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

коммунал хизмат қўрсатиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармокқа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

б) транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида:

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

транспорт ва транспорт коммуникацияларининг барча турлари фаолияти мониторингини таъминлаш ҳамда тахлил этиш ва ушбу соҳаларда давлат сиёсатини, бошқарув шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

транспорт соҳасининг фаолият қўрсатиши ва транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Мажхамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

йўловчилар ва юк ташишни мақбуллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш ва уни оқилона ташкиллаштириш, транспорт коммуникацияларини жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг барқарор фаолият қўрсатиши, транспортда ташиш ва трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида ҳалкаро ҳамкорликни кенгайтириш вазифалари комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳаси фаолияти масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш;

ракобат мухитини шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш, транспорт хизматлари бозоридан тенг фойдаланилишини таъминлаш;

в) капитал қурилиш ва пудрат ишлари дастурлари соҳасида:

капитал қурилиш ва пудрат ишлари дастурлари соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

капитал қурилишда, мухим ҳалқ хўжалиги обьектлари қурилишида, шу жумладан лицейлар ва коллежлар қурилишида пудрат ишларини ташкил этиш соҳасида мониторингни таъминлаш ҳамда ахвол ва вазиятни тахлил қилиш;

капитал қурилиш соҳасида ислохотларни чукурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Мажхамасининг қарорлари бажарилиши бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолияти самарали мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

курилиш комплексини бошқариш тузилмасини такомиллаштириш, капитал қурилишда бошқарув тизимида ва хўжалик муносабатларига бозор принциплари ва механизмларини кенг жорий этиш, қурилиш соҳасида хусусий ва кичик тадбиркорликни, бозор инфратузилмасини ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

курилишнинг норматив-техник ва ахборот базасини янгилаш ва такомиллаштириш, лойиҳалаштириш ва қурилиш-монтаж ишларининг замонавий усулларини жорий этиш ишларини ташкил қилиш;

инвестиция лойиҳаларининг техник-иктисодий асосланишини тайёрлаш даражасини ошириш ҳамда уларни шакллантириш, кўриб чиқиш ва тасдиқлаш тартиби ни такомиллаштириш;

лойихалаш ва пудрат қурилиш ташкилотларини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, уларнинг негизида асосан хусусий ва қўшма корхоналар ташкил этиш жараёнларини мувофиқлаштириш;

лойихалаш ва қурилиш ишларини бажариш юзасидан буюртмаларни жойлаштиришда танлов савдолари ташкил этиш даражасини ошириш;

курилишни ташкил этишининг асосий шакли сифатида объектларни фойдаланишга тайёр ҳолда барпо этишга ўтишни таъминлаш, қурилиш фаолиятида шартномавий муносабатларнинг ролини кучайтириш;

г) қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноати соҳасида:

курилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатида ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

курилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатида мониторингни таъминлаш ва ишларнинг ахволини таҳлил қилиш;

курилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатини ривожлантириш соҳасида қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини таъминлаш;

курилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, қурилиш индустрияси ва қурилиш материаллари саноатида бозор принциплари ва механизмларини жорий этиш, ушбу соҳаларда хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика қурилиш комплексини янги технологиялар, қурилиш асбоб-ускунлари, техника, материаллар билан таъминлашнинг комплекс дастурларини шакллантириш;

курилиш материалларининг илғор турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, қурилиш индустрияси корхоналарида замонавий технологияларни жорий этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

д) фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш, ҳарбийлаштирилган тузилмаларнинг моддий-техник таъминоти соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, иқтисодиёт тармоқларининг фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатишга тайёрлиги ҳолатини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш;

фавқулодда вазиятлар ва уларнинг оқибатларини тугатиш тўғрисидаги ахборотларни умумлаштириш ва таҳлил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошка органлар ва ташкилотлар томонидан фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари бажарилиши мониторингини ва назорат қилинишини ташкил этиш;

фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш тизимини такомиллаштириш, Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай ҳоллардаги хатти-ҳаракатлар давлат тизими функциялари бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг Ўзбекистон Республикаси фуқаро муҳофазаси бошлиғи сифатидаги фаолиятини ахборот-таҳлилий ва ташкилий жиҳатдан таъминлаш;

хавфли юклар транзити ахволи мониторинги ва таҳлилини таъминлаш, хавфли юклар транзитини назорат қилиш шакллари ва усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

хавфли юклар транзитига рухсатномалар бериш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиши белгиланган тартибда таъминлаш, хавфли юклар транзитига рухсатномалар беришни ёки рухсатнома беришнинг рад этилишини расмийлаштириш;

хавфли юклар транзити устидан назоратни ташкил этиш; харбийлаштирилган тизимларни моддий-техник таъминлаш масалаларини ишлаб чиқиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш, ушбу йўналишда ишларни мувофиқлаштириш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ва худудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазир ўринbosари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқларда ислоҳотларни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириклари ижросини назорат қиласди;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириклари лойихаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойихалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириклари лойихаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойихалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддиллик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан

қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиласди, фуқароларни шахсан қабул килишни амалга оширади; ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринbosарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойихаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа ҳужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойиш-

ларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириқларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланishi учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланishi учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш; транспорт ва транспорт коммуникациялари; капитал қурилиш ва пурдат ишлари дастурлари; қурилиш индустриси ва қурилиш материаллари саноати; фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тугатиш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг бўйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қиласи ҳамда Департаментга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик киладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Де-

партамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг карорини талаб қилмайдиган хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

Департаментдан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш хамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вактингчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши хамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини экспер特 баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қиласи;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини яратишини ва юритишни, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қиласи;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва экспер特 хулосаларни тайёрлайди;

ислоҳотларни чукурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иктиносидётнинг тегишли тармоқларидағи ва худудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар хамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишга материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни, Департамент мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаришни амалга оширади, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилашиб олишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қиласади.

18. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, хужжатларнинг ўтишини назорат қиласади, хужжатлар йиғмажилларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
4-ИЛОВА

**Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия
ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил
департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё, металлургия ва машинасозлик масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини ёқилғи-энергетика комплекси; геология, қидиув-геология ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; энергетика; рангли ва қора металлургияни ривожлантириш, кимё саноатини ривожлантириш; машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш; ҳарбий — саноат комплекси корхоналарини ривожлантириш; сафарбарлик ва давлат захиралари; стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) ёқилғи-энергетика комплекси соҳасида:

ёқилғи-энергетика комплексида ислохотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

иктисодиёт тармоқлари ва республика аҳолисини ёқилғи-энергетика ресурслари билан барқарор таъминлашни ўрганиб чиқиш ва у бўйича таклифлар тайёрлаш; ёқилғи-энергетика комплексини ривожлантириш соҳасида ягона давлат сиёса-

тини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш;

ёқилғи-энергетика комплексида ислоҳотларни чукурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат килиш;

Молия вазирлиги ҳамда давлат ва хўжалик бошқарувининг бошқа манбаатдор органлари билан биргаликда ёқилғи-энергетика комплекси тармоқларини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узок муддатли прогнозлари ва дастурлари, ёқилғи-энергетика ресурслари ва бирламчи энергетика ресурсларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш баланслари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш ва монополиядан чиқариш жараёнларини чукурлаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, республиканинг ёқилғи-энергетика тармоғида рақобат учун шарт-шароитлар яратиш учун норматив-хуқуқий базани такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

кўмир саноати корхоналарини замонавий асбоб-ускуналар ва илфор технологиялар негизида реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш ишлари мониторингини олиб бориш ва мувофиқлаштириш;

б) геология, қидирув-геология ишлари дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши соҳасида:

геология соҳасида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш, қидирув-геология ишлари дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

геологик ўрганиш, ер бағридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, моддий-хом ашё базани қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш;

геология, қидирув-геология ишлари дастурларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат қилишни ташкил этиш;

Устюрт минтақасида ва республиканинг бошқа истиқболли нефть-газ вилоятларида қидирув ва разведка ишларини жадал олиб бориш масалалари бўйича ишларнинг аҳволи мониторинги ва таҳлилини таъминлаш, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш;

кўмир қазиб олиш учун геология-разведка ишлари мониторинги ва уларни мувофиқлаштириш, кўмир конларини қазишнинг самарали тизимлари ва усулларини жорий этиш;

в) энергетика соҳасида:

энергетикада ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

энергетикада ишларнинг аҳволи мониторинги ва таҳлилини таъминлаш ҳамда энергетика соҳасида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан энергетикани ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарор-

лари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

электр энергетикасини ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узок муддатли прогнозлари ва мақсадли дастурлари, электр энергияси ишлаб чиқариш ва истеммол қилиш баланслари ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

генерацияловчи кувват ва электр тармоқларини илгор технологиялар негизида, шу жумладан хорижий инвестициялар хисобига реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш ишларини ташкил этиш;

г) қора ва рангли металлургияни ривожлантириши соҳасида:

металлургия тармоғида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

қора ва рангли металлургия тармоқларида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш, бозор иқтисодиётининг принциплари ва механизмларини кенг жорий этишни таҳлил этиш ва улар бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

қора ва рангли металлургияни ривожлантириши соҳасида қабул қилинган қарорлар амалга оширилиши назорат қилинишини таъминлаш;

қора ва рангли металлургия корхоналарини замонавийлаштириш ва технология билан қайта жиҳозлаш ишларининг холати мониторинги, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестицияларни жалб этиш;

қора ва рангли металлургия корхоналари маҳсулотларининг ички ва ташки бозорларга кириб бориши маркетинг тадқиқотлари ва таҳлилини ташкил этиш;

д) кимё саноатини ривожлантириши соҳасида:

кимё саноатида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

кимё саноатини замонавийлаштириш, реконструкция қилиш ва техника билан қайта жиҳозлашга қаратилган ягона техника сиёсатини ўтказишга доир таклифларни таҳлил этиш ва тайёрлаш, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантириш;

кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари бажарилишини назорат қилиш;

кимё саноатини барқарор ривожлантиришга, рақобатга бардошли кимё маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришга, экспорт салоҳиятни кенгайтиришга қаратилган ўртача муддатли ва узок муддатли дастурлар амалга оширилиши мониторинги олиб боришишини таъминлаш;

қишлоқ ҳўжалигининг минерал ўғитлар, ўсимликларни ҳимоя қилининг кимёвий воситаларига бўлган эҳтиёжи маркетинг тадқиқотлари олиб боришиши ҳамда уларга бўлган жорий ва истиқболдаги эҳтиёжларни аниқлаш ишларини мувофиқлаштириш;

е) машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириши соҳасида:

машинасозлик ва электротехника саноатида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарини замонавийлаштириш ва техника билан қайта жиҳозлашга, ресурсларни тежайдиган самарали технологияларни жорий этишга, тайёр маҳсулот ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни ривожлантиришга, ушбу мақсадлар учун хорижий инвестициялар

ни кенг жалб этишга қаратилган давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириши таҳлил этиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

илфор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда машинасозлик ва электротехника саноати корхоналарини барқарор ривожлантиришнинг истиқболли стратегияси ишлаб чиқилишини таъминлаш;

машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш соҳасида мониторинг олиб бориш ва қабул қилинган қарорлар амалга оширилишини назорат қилиш;

маркетинг тадқиқотлари олиб бориш, ички ва ташқи рақобатга бардошли маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)нинг янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, уларнинг жаҳон бозорларига чиқиши ишларини мувофиқлаштириш;

ж) ҳарбий-саноат комплекси корхоналарини ривожлантириши соҳасида:

ҳарбий-саноат комплекси корхоналарида ислоҳотлар амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ҳарбий-саноат комплекси корхоналарини барқарор ривожлантириш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик замонавийлаштириш, Республика корхоналарида ҳарбий-техник маҳсулотлар ишлаб чиқаришни, қурол-яроғ, техника ва ҳарбий мақсаддаги бошқа мол-мulkни таъмирлашни ўзлаштиришни таҳлил этиш ва улар бўйича дастурий чора-тадбирларни шакллантиришга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

ҳарбий-саноат комплекси корхоналарини ривожлантириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

ҳарбий-саноат комплекси корхоналарининг маҳсулотлари ташқи бозорларга етказиб берилишини кенгайтиришга доир таклифлар ишлаб чиқилишини ташкил этиш;

з) сафарбарлик ва давлат захиралари соҳасида:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, иқтисодиёт тармоқларининг сафарбарлик ва давлат захираларини жамлаш масалаларига тайёрлигини тизимли ўрганиш ва ҳолатини таҳлил этиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан олинган товарлар ва маҳсулотларнинг сифат ва микдор жиҳатидан сақланишини ва ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш бўйича мониторинг олиб борилишини ва ишларнинг аҳволи таҳлил этилишини таъминлаш;

сафарбарлик ва давлат захиралари масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ва давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар томонидан бажарилишини назорат қилиш;

давлат стратегик ва сафарбарлик захиралари шакллантиришини, шу жумладан уларнинг тўпланиши, сақланиши ва янгиланишини, шунингдек давлат стратегик ва сафарбарлик захираларидан белгиланган тартибда тезкор фойдаланишга доимий тайёрликни таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

и) стандартлаштириши ва метрология соҳасида:

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш тизимларининг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш соҳасида давлат сиёсатини шакллантириш ва амалга ошириш, халқаро стандартларни қўллаш асосида, шу жумладан сифатни бошқариш тизими бўйича маҳсулотларнинг сифати ва рақобат-бардошлилигини оширишни таҳлил этиш ва улар бўйича таклифлар тайёрлаш;

«Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Маҳсулотлар ва хизматлар сертификатланиши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари-ни ва стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш соҳасида бошқа норматив-хукукий хужжатлар амалда рўёбга чиқарилишини таъминлаш бўйича мониторинг олиб бориш ва ишларни мувофиқлаштириш;

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйида-ти функцияларни амалга оширади:

ўзи юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ҳудудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринbosари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, шунингдек тегишли тармоқларда ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижро-сини назорат қилади;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равища янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа хужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқарувининг манфаатдор органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддиллик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз юритишига кирувчи масалалар бўйича хукуматларо битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари бошчилик қиласидиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вактида кўриб чиқилишини назорат қиласди, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади; ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг хукуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги хукуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни тахлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритадиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган хужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа хужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Хукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топширикларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вактида ва сифатли бажарилиши таъминланishi учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустахкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, ёқилғи-энергетика комплекси; геология, қидириш-геология ишлари дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; энергетика; рангли ва кора металлургияни ривожлантириш, кимё саноатини ривожлантириш; машинасозлик ва электротехника саноатини ривожлантириш; ҳарбий-саноат комплекси корхоналарини ривожлантириш; сафарбарлик ва давлат захиралари; ҳавфли юклар транзити; стандартлаштириш ва метрология масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.

12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент иши «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг бўйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режаси, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режаси, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қиласида ҳамда Департаментга юклangan вазифалар ва функцияларнинг баъжарилиши ва ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича хужжатлар лойиҳаларини ва бошқа хужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Бош вазирнинг тегишли ўринбосарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлади, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазари ва унинг ўринбосарларининг уларга биркитилган масалалар бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қиласди;

тегишли тармоқ бўйича туркумланган маълумотлар базасини яратишни ва юритишни, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қиласди;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хуносаларни тайёрлади;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва худудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазари ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Хукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазари ва унинг ўринбосарлари

ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланадиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама килиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади; тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни, Департамент мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажарishни амалга оширади, материалларнинг ўз вақтида тайёрланишини, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг ахволи тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли тармоқ бўйича туркумланган маълумотлар базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва муңтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказадиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқиляётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қиласди.

18. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, хужжатларнинг ўтишини назорат қиласди, хужжатлар йиғмажилларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Истеъмол товарлари ва савдо комплекси масалалари
ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Истеъмол товарлари ва савдо масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кеянги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Хукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

a) озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида:

озиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ички истеъмол бозорини озиқ-овқат товарлари билан тўлдириш масалалари мониторингини таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилишдаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

озиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижро этишни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти орган-

ларининг озиқ-овқат товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга доир вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини ташкил қилиш;

озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

озиқ-овқат маҳсулотлари сифати ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импорт ўрнини тўлдирадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

б) ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида:

ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

ички истеъмол бозорини ноозиқ-овқат истеъмол товарлари билан тўлдириш масалалари мониторингини таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва истеъмол килишдаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижро этишни ташкил қилиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга доир вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва сотиш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, тармоққа хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

жаҳон стандартларига жавоб берадиган ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, тармоқ корхоналарининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш, импорт ўрнини тўлдирадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

в) савдо ва пулли хизматларни ривожлантириши соҳасида:

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизимли ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси фаолияти мониторингини таъминлаш ҳамда таҳлил этиш, савдо ва пулли хизмат кўрсатиш соҳасидаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижро этишни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

бозорлар фаолиятини, ярмаркалар ва кўргазмаларнинг истеъмол товарлари қисми бўйича фаолиятини, аҳолини истеъмол товарлари билан таъминлаш ва пулли хизматлар кўрсатиш бўйича маркетинг тадқиқотларини мувофиқлаштириш;

чакана ва улгуржи савдоларни, пулли хизматлар кўрсатиш соҳасини ташкил этиш, савдо ва хизматлар кўрсатишни ташкил этишнинг янги шакллари ва методларини кенг жорий этиш, хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш тизимларини такомиллаштириш, шунингдек савдо ва хизматлар кўрсатишнинг норматив-хуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш соҳаси учун кадрлар тайёрлашни ташкил этиш тизимларини ўрганиш ва таҳлил қилиш, мазкур соҳаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича таклифлар тайёрлаш.

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ва худудларда ишларнинг ахволини ўрганади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринbosари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларда иктиносий ислоҳотларни чукурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижросини назорат қиласди;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равиша янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа хужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириқлари лойиҳаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб

чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкландиган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддиллик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича хукуматлараро битимларни тайёрлашда катнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самародорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қилади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиласди, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкландиган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкландиган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳукуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддиллик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг, Бosh вазир ўринбосарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлисларида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтинчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган хужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонулари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа хужжатлар лойихаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириклари-

да бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкландиган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Маҷлиси қарорлари ва бошқа хужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топширикларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, озиқ-овқат ва ноозик-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш соҳасини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш; савдо ва пулли хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топширикларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топширикларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қиласи ҳамда Департаментга юкландиган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиласидаги со-

ҳага киравчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Махкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йифилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Махкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган йифилишларда катнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг карорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлади;

Вазирлар Маҳкамаси аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлади;

Департаментдан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, ходимларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Махкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг тегишли ўринbosарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтinchалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг тегишли ўринbosари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бosh вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қиласди;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қиласди;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбарида ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлайди;

ислоҳотларни чукурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиёт-

нинг тегиши тармоқларидағи ва худудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар хамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда катнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида мухокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қилади.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши хамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг ахволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаш борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбариға тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар хамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда катнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида мухокама қиласди.

18. Инспектор Департаментда иш юритишни амалга оширади, хужжатларнинг ўтишини назорат қиласи, хужжатлар йифмажилларининг тайёрланишини ва архива сақлашга ўз вактида берилишини таъминлайди, ўзига юкландган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
6-ИЛОВА

Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, алокা ва почтани ривожлантириш, ахборот ва матбуот масалалари бўйича ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисингин қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласи.

4. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Қуйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

a) ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш соҳасида:

Миллий ахборот тизими, телекоммуникация тизимлари ахволи ва ривожланишини тизимли ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

ахборотлаштириш, ахборот ва телекоммуникация тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалаларида давлат сиёсатини амалга оширишини шакллантириш ва таъминлашда иштирок этиш;

ахборотлаштириш, ахборот тизимлари, телекоммуникация масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижро этишни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг ахборотлаштириш, ахборот ва телекоммуникация тизимларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

мониторингни таъминлаш ҳамда ахборотлаштириш, давлат ахборот ресурслари, ахборот технологиялари, ахборот ресурслари ва хизматлар бозорини шакллантириш ва уларни ривожлантириш соҳасида ишларнинг аҳволини таҳлил этиш, ахборот ва телекоммуникация тизимларидаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

давлат ахборот ресурслари, ахборот технологиялари, ахборот ресурслари ҳамда хизматлар бозорини ривожлантириш, ахборот ва телекоммуникация тизимлари соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, мазкур соҳага хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб этиш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат органлари фаолиятига ахборот технологияларини жорий этишнинг бориши мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, давлат органларига ахборот-коммуникация технологияларини кенг ва самарали қўллаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот ва телекоммуникация тизимларини ривожлантириш, шунингдек ҳалқаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир вазифалар комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

ахборот тизимларида, телекоммуникациялар соҳасида ахборот хавфсизлиги ҳолатини ўрганиш ва таҳлил қилиш, ахборот хавфсизлигини таъминлашнинг шакллари ва усулларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳалари учун юкори малакали кадрлар тайёрлаш аҳволи бўйича мониторинг ўтказиш, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги юкори малакали мутахассисларга бўлган иқтисодиёт тармоқлари эҳтиёжини таъминлаш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

б) алоқа ва почтани ривожлантириши соҳасида:

алоқа ва почта соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши тизими ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш, алоқа ва почтадаги сифат ўзгаришларини ва уни ривожлантириш тенденцияларини баҳолаш;

алоқа ва почта тармоқларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалаларида давлат сиёсатини амалга оширишни шакллантириш ва таъминлашда иштирок этиш;

алоқа ва почта масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларини, Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини ижро этишни ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг алоқа ва почталарнинг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

алоқа ва почта корхоналарини давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаш-

тириш жараёнларини мувофиқлаштириш, ушбу жараёнларни янада чуқурлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

алоқа ва почта соҳасида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, мазкур соҳаларда бошқарув шакллари, усуллари ва тузилмаларини такомиллаштириш масалалари бўйича таклифлар тайёрлаш;

мониторингни ташкил этиш, алоқа ва почта корхонларининг экспорт салоҳиятини ривожлантириш масалалари бўйича таклифларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш;

алоқа ва почта корхоналарини фавқулодда вазиятлар шароитларида фаолият юритиш учун тайёрлаш бўйича ишларнинг ташкил этилишини назорат қилиш;

алоқа ва почта корхоналари, воситалари ҳамда тармокларини замонавийлаштириш ва техник қайта жиҳозлаш, мазкур соҳага хорижий инвестициялар ва технологияларни жалб қилиш масалалари бўйича ишларни мувофиқлаштириш;

алоқа ва почта хизматлари сифатини ошириш, уларнинг ҳалқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлаш, алоқа ва почта хизматлари истеъмолчилари хуқуқларини химоя қилиш масалалари бўйича таклифларни ўрганиб чиқиш, таҳлил қилиш ва ишлаб чиқиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан биргаликда алоқа ва почта соҳасининг замонавий технологияларга, техника алоқа ва воситаларига эҳтиёжларини ўрганиш бўйича ишларини ташкил этиш, алоқа ва почта соҳасининг тегишли технологиялар, техника алоқа ва воситаларига эҳтиёжини таъминлаш юзасидан таклифларни тайёрлаш;

алоқа ва почта соҳасида ҳалқаро ҳамкорлик бўйича мониторинг ўтказиш, ҳалқаро ташкилотлар ва хорижий давлатлар билан ўзаро фойдали ҳамкорликни кенгайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

в) ахборот ва матбубот соҳасида:

иқтисодий ислоҳотларнинг амалга оширилиши, оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаачилик фаолияти, китоб ва бошқа босма маҳсулотларини тарқатиш, архив иши ва иш юритишнинг ахволи ҳамда уларни ривожлантириш тизимили ва комплекс ўрганилишини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситаларининг фаолият кўрсатиши ва уларни ривожлантириш, ноширлик ва матбаачилик фаолияти, китоб ва бошқа босма маҳсулотларини тарқатиш, архив иши ва иш юритиш, муаллифлик хуқуқи ва аралаш хуқуқларни химоя қилиш масалалари бўйича давлат сиёсатини шакллантириш ва уларни амалга оширишни таъминлашда иштирок этиш;

оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаачилик фаолияти, китоб ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши, муаллифлик хуқуқи ва аралаш хуқуқлар масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, ноширлик ва матбаачилик фаолияти, китоб ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритиш, муаллифлик хуқуқи ва аралаш хуқуқларни химоя қилиш масалаларида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш;

оммавий ахборот воситаларининг барча турлари фаолияти, уларни тарқатиш тизимлари мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, мазкур соҳада бошқарувнинг шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оммавий ахборот воситалари фаолиятида рақобат мұхитини шакллантириш ва таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ноширлик ва матбаачилик фаолияти, китоб ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш бўйича мониторинг ўтказиш ва таҳлил қилиш, мазкур соҳаларда бошқарувнинг шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштириш, бошқарув ва бозор принциплари ва механизмларини хўжалик муносабатлари тизимиға кенг жорий этиш, ушбу соҳаларда хусусий ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

нашриётлар ва матбaa корхоналарини, китоб савдоси ва босма маҳсулотларни тарқатувчи ташкилотларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини мувофиқлаштириш, ушбу жараёнларни янада чукурлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларда архив иши ва иш юритишнинг ҳолати мониторингини олиб бориш ва таҳлил қилиш, архив иши, архив фондларини сақлаш тизимини такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлат корхоналари ва муассасаларида иш юритиш самарадорлиги ҳамда мунтазамлилигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизими бўйича мониторинг олиб бориш ҳамда унинг самарали тизими мавжуд бўлишини таъминлаш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларини хисобга олган ҳолда ушбу тизимни янада такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

оммавий ахборот воситалари фаолиятига, нашриёт иши, матбаачилик, китоб ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш тизими, архив иши ва иш юритишга ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилишини ташкил этиш;

оммавий ахборот воситалари, ноширлик ва матбаачилик фаолияти, архив иши ҳамда иш юритиш, оммавий ахборот воситаларини, китоб ва бошқа босма маҳсулотларини тарқатиш тизимининг самарадорлигини ошириш ва уларни ривожлантириш бўйича вазифалар комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

ахборот бозорини тартибга солиш, оммавий ахборот воситалари фаолияти, ноширлик ва матбаачилик фаолияти, китоб ва бошқа босма маҳсулотларни тарқатиш, архив иши ва иш юритиш, муаллифлик ҳуқуқи ва аралаш ҳуқуқларни ҳимоя қилиш тизими соҳасида халқаро ҳамкорлик бўйича мониторинг олиб бориш ва таҳлил қилиш, ушбу соҳаларда келгусида ҳамкорлик қилиш самарадорлигини кучайтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

7. Департамент ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйида-ти функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли тармоқларда ва худудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирининг ўринbosари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли соҳаларни ривожлантириш, уларда иқтисодий ислохотларни чукурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириклари бажарилишини назорат қиласи;

тегишли соҳалар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириклари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини экспертизадан ўтказади ва уларни пухта ишлайди, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириклари лойиҳаларининг манбаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасаддилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз юритишига кирадиган масалалар бўйича хукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вактида кўриб чиқилишини назорат қиласди, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳукуқларга эга:

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар рахбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа

органлар ва ташкилотлар коллегиал органлари мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринbosарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент юритишига кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни пухта ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини зарурат бўлганда белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтингчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни зарурат бўлганда қайтариб юбориши.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалалар эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқилиши ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топшириклари мутасаддиллик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилишини таъминлаш учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустахкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, ахборот тизимлари ва телекоммуникацияларни ривожлантириш, алоқа ва почтани ривожлантириш, ахборот ва матбуот масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департаментнинг ишига мудир раҳбарлик қиласи.

12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департаментнинг иши «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Ўзбекистон Республикаси Вазир-

лар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режаси, Департаментнинг чораклик иш режаси, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режаси, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бош вазирнинг тегишли ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Бош вазирнинг тегишли ўринbosари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишлари ни ташкил қиласи ҳамда Департаментга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ҳолати учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлислирида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий кўмиталар мажлислирида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган ҳужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Бош вазирнинг тегишли ўринbosарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтinchалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириклари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат килади;

тегишли тармоқ бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, унинг мунтазам равишда янгилаб борилишини ташкил қиласди;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитирсан масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материаллар, прогнозлар ва эксперт хулосалар тайёрлади;

ислохотларни чукурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иқтисодиётнинг тегишли тармоқлари ва ҳудудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этиши;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказадиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибида қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойихаларини, уларни тайёрлаш мақсадида, муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қиласди.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва ҳужжатлар лойихаларини тайёрлади, ўзига биркитилган масалалар бўйича Департамент мудири ва бош мутахассиснинг топширикларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топширикларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ўзига биркитилган масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириклари бажарилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли тармоқ бўйича маълумотлар тизимлаштирилган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этиши;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотни умумлаширади, зарур маълумотномалар ва таҳлилий материаллар тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказилидиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини, уларни тайёрлаш мақсадида, муҳокама қиласди.

18. Инспектор Департаментда иш юритишини таъминлайди, хужжатларнинг ўтишини назорат қиласди, хужжатлар йифмажилларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вактида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон карорига
7-ИЛОВА

**Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари
ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини таълим ва кадрлар тайёрлаш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза; фан ва инновациялар; маданият, спорт ва туризм; Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш масалалари бўйича ахборот-таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Департамент ўз фаолиятини Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви орган-

лари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

a) таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида:

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимили ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури амалга оширилишини мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқарувি органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг таълим ва кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича фаолиятини мувофиқлаштириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш, узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари бажарилишини таъминлаш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш соҳасида бошқарув тузилмасини такомиллаштириш, хорижий таълим тузилмалари билан кўп томонлама ва самарали халқаро ҳамкорлик қилиш учун шарт-шароитлар яратиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

b) соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза соҳасида:

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза соҳасида ислоҳотларнинг амалга оширилишини тизимили ва комплекс ўрганишни ташкил этиш;

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастурининг, шунингдек ижтимоий муҳофаза бўйича дастурларнинг бажарилишини мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш, ушбу соҳаларда бошқарув шакллари, усуллари ва тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза соҳасининг фаолият кўрсатиши масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

аҳоли саломатлиги сақланиши ва яхшиланишини мақбуллаштириш, самарадорлигини ошириш ва таъминлаш, соғлом авлодни тарбиялаш учун шарт-шароитларни шакллантириш, профилактик соғлиқни сақлашни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини кенг оммалаштириш, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида аниқ йўналтирилганликни ва аҳолини қамраб олишни кучайтириш бўйича вазифаларнинг комплекс ҳал этилишини ташкил этиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза масалаларидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;

аҳолини дори-дармонлар ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш, мамлакатда республика фармацевтика саноатининг замонавий инфратузилмасини шакллантириш мониторингини олиб бориш;

в) фан ва инновациялар соҳасида:

ишларни мувофиқлаштириш Вазирлар Махкамаси хузуридаги Фан-техника тараққиётини мувофиқлаштириш кенгашига юкланган давлат илмий-техника ва инновация дастурлари амалга оширилишини мониторинг ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикасининг илмий ва технология салоҳиятини янада ривожлантириш, иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада ислоҳ қилишнинг стратегик вазифалари ва устувор йўналишларига мувофиқ мамлакатни илмий-техник ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар ва технологик ишланмаларнинг даражаси, сифати ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, улардан амалиётда кенг фойдаланиш;

Фанлар академияси, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фан ва инновация, интеллектуал мулкни муҳофаза қилиш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамаси қарорлари бажарилиши бўйича фаолиятининг мувофиқлаштириш;

фан соҳасини бошқариш ва молиялаштириш принципларини такомиллаштириш, бозор механизмларини илмий ва инновацион фаолиятдаги бошқарув ва хўжалик муносабатлари тизимига кенг жорий қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

г) маданият, спорт ва туризм соҳасида:

маданият, спорт ва туризм соҳасида ишларнинг аҳволини тизимли ва комплекс ўрганишни, таҳлил қилишни ташкил этиш;

маданият, спорт ва туризм масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари бажарилишини ташкил этиш;

маданият, оммавий спорт соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, ҳалқнинг бой маданий меросини тиклаш, асрлар давомида шаклланган юксак маънавиятни, ҳалқ анъаналари ва урф-одатларини ҳар томонлама ривожлантириш, жисмоний соғлом, маънавий бой ва ҳар томонлама камол топган шахсларни тарбиялаш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини таъминлаш;

туризмни ривожлантириш давлат дастурларини, республикада туристик хизматлар инфратузилмасини шакллантириш дастурларини амалга оширишда кўмаклашиш;

соғлом авлодни тарбиялашнинг таркибий қисми сиифатида болалар спортини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

д) Давлат тили ҳақидағи Конунни амалга ошириши соҳасида:

«Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг бажарилишини тизимли ўрганиш ва таҳлил қилиш;

«Давлат тили ҳақида»ги Конунни амалга ошириш Давлат дастурининг тизимили ва комплекс жорий этилишини ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикасида давлат тилининг амал қилиши соҳасида мониторинг ва таҳлил қилишни таъминлаш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг «Давлат тили ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунини бажариш бўйича фаолиятини самарали мувофиқлаштиришни таъминлаш;

7. Департамент ўзига юклangan вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

иктисодиётнинг тегишли тармоқларида ва худудларда ишларнинг аҳволини ўрганади ҳамда Вазирлар Махкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирнинг ўринбосари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

тегишли тармоқларни ривожлантириш, тегишли тармоқларда ислоҳотларни чукурлаштириш дастурларини шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Вазирлар Махкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Вазирлар Махкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириклари ижросини назорат қиласди;

тегишли тармоқлар бўйича тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равишда янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Махкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириклари лойихаларини тайёрлайди;

Вазирлар Махкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа ҳужжатлар лойихалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Махкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йифилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги ҳамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Махкамасининг қарорлари, Вазирлар Махкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари топшириклари лойихаларининг давлат ва хўжалик бошқаруви мурожаатдор органлари, Вазирлар Махкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойихалари ишлаб чиқилишини ва белгилangan тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юклangan вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасдилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича ҳукуматлараро битимларни тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари бошчилик киладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат қиласди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиласди, фуқароларни шахсан қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгилangan тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳукуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳукуқларга эга:

Вазирлар Махкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни таҳлил қилиш ва тайёрлаш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Вазирлар Махкамаси

Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик килинадиган вазирликлар, давлат кўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлислирида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринbosарининг топшириғига биноан эса — давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислирида ва йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, тегишли масалалар бўйича вақтингчалик ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган хужжатларни қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент томонидан белгиланган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси қонунларининг, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва бошқа хужжатларининг, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, Ҳукумат қарорлари, фармойишларининг, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топширикларининг мутасаддилик килинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустахкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустахкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, таълим ва кадрлар тайёрлаш; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза; фан ва инновациялар; маданият, спорт ва туризм; Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишларига мудир раҳбарлик қилади.
12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг бўйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Департаментнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қилади ҳамда Департаментга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича хужжатлар лойиҳаларини ва бошқа хужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда катнашади;

Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўрикномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

Департаментдан чикувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Департамент мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган таклифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтингчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегиши ўринбосари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва хужжатлар лойихаларини тайёрлади, материалларнинг ўз вактида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойихаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринбосарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қиласди;

тегиши тармок бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини яратишини ва юритишини, унинг муентазам равишида янгилашиб борилишини ташкил қиласди;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Рахбарига ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хуносаларни тайёрлади;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иктиносидиётнинг тегиши тармоқларидаги ва худудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлари ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Рахбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибида қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун, шунингдек тайёрланаётган Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойихаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказади;

тегиши масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат қиласди.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материалларни ва хужжатлар лойихаларини тайёрлади, Департамент мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вактида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорла-

ри, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг аҳволи тўғрисидаги ахборотларни тўплаш ва умумлаштиришни амалга оширади;

тегишли тармоқ бўйича маълумотларнинг туркумланган базасини шакллантиради, унинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилаб борилишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўtkазиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўtkазадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар хамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўtkазадиган йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қиласди.

18. Инспектор Департаментда иш юритиши амалга оширади, хужжатларнинг ўтишини назорат қиласди, хужжатлар йифмажилларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юклangan бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 1 декабрдаги 561-сон қарорига
8-ИЛОВА

Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ташқи алоқалар масалалари ахборот-таҳлил департаменти (кейинги ўринларда Департамент деб юритилади) Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Департаментнинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасини, унинг Президиумини, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини халқаро ҳамкорликда устуворликларни амалга ошириш; жалб этиладиган хорижий инвестициялар амалга оширилиши устидан назорат қилиш; экспорт салоҳиятни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш; халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатлар билан алоқалар мониторингини

олиб бориш; Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш; ташки савдо ва транспорт компаниялари фаолиятини мувофиқлаштириш масалалари бўйича ахборот ва таҳлилий материаллар билан таъминлашга йўналтирилган.

3. Департамент ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг қарорлари ва бошқа хужжатларида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларида, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

4. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Баш вазири раҳбарлигидаги амалга оширади.

Департамент ўз ваколатига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг тегишли ўринбосарига, ташкилий масалалар ва ижро интизоми масалалари бўйича эса — Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарида бўйсунади.

5. Департамент ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Департаментнинг вазифалари ва функциялари

6. Куйидагилар Департаментнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) халқаро ҳамкорликда устуворликларни амалга ошириши мониторинги бўйича:

халқаро ҳамкорлик соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши мувофиқлаштирилишини таъминлаш ва уни ривожлантириш стратегиясини шакллантиришда катнашиш;

миллий иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлилигини ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграцияси бўйича шарт-шароитлар яратилишида иштирок этиш ва улар бўйича чора-тадбирлар бажарилиши мониторинги;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиришда катнашиш;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқтисодий ва молиявий институтлар, халқаро хукуқнинг бошқа субъектлари билан савдо-иктисодий ҳамкорлиги ривожлантиришини таъминлаш;

ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш ва уларнинг норматив-хукуқий базасини такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш;

ташқи иқтисодий алоқалар ва уларнинг бажарилиши мониторинги олиб борилиши соҳасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари тайёрланиши жараёнини мувофиқлаштириш;

энг муҳим ташқи иқтисодий, ташқи савдо шартномалари (битимлар, контрактлар, протоколлар ва бошқалар) тайёрлаш, тузиш ва амалга ошириш жараёнини хукуқий таъминлаш;

б) жалб этиладиган хорижий инвестициялар амалга оширилиши устидан назорат қилиши соҳасида:

инвестиция дастурлари ва устувор лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий кредитлар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хорижий инвестицияларни жалб этиш соҳасида давлат сиёсати амалга оширилиши назорат қилинишини таъминлаш;

жорижий инвестиция мухити таҳлили ва Ўзбекистон Республикаси га хорижий инвестициялар, биринчи навбатда тӯғридан-тӯғри инвестициялар оқими жалб этилиши учун шарт-шароитларни янада такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

инвестиция қўйиш жараёнини, хорижий инвесторлар ва улар иштирокидаги корхоналар фаолияти шарт-шароитларини, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари химоя қилинишини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий инвесторлар билан инвестиция шартномалари шартлари ва энг муҳим инвестиция лойихаларининг техник-иқтисодий асосланиши параметрлари тузилиши ва уларга риоя этилиши устидан мониторинг олиб бориш;

потенциал инвесторларни Ўзбекистон Республикасидаги инвестиция мухити тӯғрисида, шу жумладан инвестиция қўйиш жараёнининг асосий тартиб-қоидлари масалалари, шунингдек таклиф этилаётган инвестиция ҳажмлари ҳақидаги ахборот билан таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий инвестициялар жалб этилган корхоналар барпо этиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш жараёнини мувофиқлаштириш ҳамда хорижий инвесторларни жалб этишда давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўмаклашиш;

Вазирлар Махкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари билан биргаликда алоҳида йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойихаларининг техник-иқтисодий асосланишини, молиялаштириш схемаларини, экспертиза ташкил этилишини кўриб чиқиш;

энг муҳим инвестиция шартномалари (битимлар, контрактлар, протоколлар ва бошқалар) тайёрлаш, тузиш ва амалга ошириш жараёнини ҳуқуқий таъминлаш, шунингдек энг муҳим инвестиция лойихалари бўйича шартномалар (контрактлар, битимлар)ни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишни мувофиқлаштириш;

энг муҳим инвестиция лойихалари амалга оширилишининг барча босқичларининг тизимли юридик мониторингини ташкил этиш;

в) экспорт салоҳиятини кенгайтириши, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириши дастурларини амалга ошириш соҳасида:

республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

товарларнинг жаҳон бозорларини комплекс маркетинг тадқиқ этиш ишларини мувофиқлаштириш ҳамда экспорт ҳажмини янада кўпайтириш ва унинг тузилмасини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги, Иқтисодиёт вазирилиги ва Давлат божхона қўмитаси билан биргаликда ҳар йили товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти прогнозини тузиш ва унинг бажарилиши таъминланишини назорат қилиш;

ишлаб чиқариш салоҳиятини янада ўстириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш учун шарт-шароитлар яратиш юзасидан таклифлар тайёрлаш;

хом ашё, материаллар ва бутловчи буюмларнинг айрим турлари бўйича импортнинг ўрнини босувчи тармоқ дастурларини шакллантириш ишларини ташкил этиш;

ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш ва уни амалга ошириш мониторинги дастурини шакллантириш ишларини мувофиқлаштириш;

хорижий мамлакатлар билан ҳарбий-техник ҳамкорлик дастурларни амалга ошириш бўйича республика вазирликлари ва идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш;

г) халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатлар билан алоқалар мониторинги бўйича:

ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиша қатнашиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро молия институтлари ва донор мамлакатлар билан алоқалари ни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига кириши бўйича стратегияни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

мамлакат қонун ҳужжатларини Жаҳон савдо ташкилотининг принциплари ва қоидалари билан ўйғулаштириш жараёнини мувофиқлаштириш;

Жаҳон савдо ташкилотига кириш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошкаруви органлари ишини мувофиқлаштириш;

устувор ўйналишларни ва мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун халқаро молиявий ва иктиносий ташкилотларнинг имтиёзли кредитлари ва грантларини, техник кўмаклашиш маблағларини жалб этиш ишларини мувофиқлаштириш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро молиявий ва иктиносий ташкилотлар ҳамда донор мамлакатлар билан молиявий ва техник ҳамкорлиги дастурлари амалга оширилиши мониторинги;

д) Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари билан иктиносий ҳамкорлик соҳасида:

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Ташқи иктиносий алоқалар агентлиги билан биргаликда Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари билан давлатлараро муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича таклифлар тайёрлаш;

Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари билан икки томонлама ва кўп томонлама иктиносий ҳамкорлик шартномалари ва битимларини тайёрлаш ва уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш ишларини мувофиқлаштириш;

минтақавий ҳамкорлик соҳасида Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари билан битимлар бажарилиши масалаларида вазирликлар ва идоралар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;

МДҲга аъзо давлатлар иштирокида иктиносий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга доир таклифларни ишлаб чиқиш;

е) ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолияти назорат қилинини таъминлаш:

ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолияти масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошкаруви органлари, маҳаллий давлат хокимияти органлари ишини мувофиқлаштириш;

давлат экспорт дастурлари ва импорт бўйича топшириклар ташқи савдо ва транспорт компаниялари томонидан амалга оширилиши мониторингини олиб бориш, улар томонидан амалга ошириладиган энг ўирик контрактларнинг самарадорлигини баҳолаш.

7. Департамент ўзига юқланган вазифаларни бажариш учун қўйида-ти функцияларни амалга оширади:

ўз ваколатига кирадиган масалалар бўйича ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради ҳамда Ўзбекистон Республикаси Раҳбариятини ва Вазирлар Махкамасини ташқи иктиносий алоқалар масалалари бўйича ахборот билан таъминлайди;

Департамент ваколатига кирадиган соҳаларда ишларнинг аҳволини ўрганади ва Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Бош вазирининг ўринbosари учун тегишли материалларни тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, ҳалқаро ва Ҳукумат ташкilotлари билан ташки иқтисодий ҳамкорлиги стратегиясини шакллантиришда қатнашади;

Ўзбекистон Республикасининг ташки иқтисодий фаолияти холатини, шунингдек ташки иқтисодий фаолият соҳасида ислоҳотларни янада шакллантириш ва амалга ошириш мониторингини олиб боради;

Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини такомиллаштиришга, Ўзбекистон Республикасига хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қулай шартшароитлар яратишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси делегацияларининг хорижий давлатларга давлат ташрифлари ва сафарлари билан боғлиқ тадбирларни ахборот-таҳлилий, шартномавий-хукукий, ташкилий таъминлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқлари ижорасини назорат қилади;

тегишли тизимлаштирилган маълумотлар базаси яратилиши ва юритилишини, уларнинг мунтазам равиша янгиланишини таъминлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг кўриб чиқиши учун таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари топшириқлари лойиҳаларини тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари ҳамда бошқа хужжатлар лойиҳалари экспертизасини амалга оширади ва уларни ишлаб чиқади, улар юзасидан зарур таҳлилий ва маълумотнома материаллар тайёрлайди;

Вазирлар Маҳкамасининг таркибий бўлинмалари ёрдамида хорижий инвестициялар жалб этилган ҳолда амалга ошириладиган алоҳида инвестиция лойиҳалари бўйича Ҳукумат қарорларини тайёрлаш, қабул қилиш ва бажаришни назорат қилиш жараёнини таъминлайди;

хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятининг муаммоли масалалари ўз вақтида ҳал этилиши жараёнини мувофиқлаштиради ва мониторингини олиб боради;

ташки иқтисодий алоқалар соҳасида, шу жумладан савдо-иктисодий, инвестиция, молия ва транспорт-коммуникация ҳамкорлиги соҳасида Ўзбекистон Республикасининг ҳалқаро шартномалари тайёрланишини назорат қиласи;

энг муҳим ташки иқтисодий, ташки савдо ва инвестиция шартномалари (битимлар, контрактлар, протоколлар ва бошқалар)нинг хукукий экспертизасини ўтказади ва уларни амалга ошириш барча босқичларининг тизимли мониторингини ташкил этади;

экспорт прогнозларини, Инвестиция дастурини ва Махаллий хом ашё негизида ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини ишлаб чиқиш, шакллантириш ва амалга ошириш бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимиюти органлари ишини мувофиқлаштиради;

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринbosарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларга материаллар тайёрлашда ва уларда қабул қилинадиган қарорларни расмийлаштиришда қатнашади;

материалларнинг комплекслилиги хамда уларни ишлаб чиқиш ва тайёрлашнинг сифати, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринbosарларининг топшириклари лойиҳаларининг манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари билан келишилиши учун жавоб беради;

Департамент ваколатига кирувчи масалалар бўйича қонун лойиҳалари ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

ўзига юкланган вазифаларга мувофиқ давлат ва хўжалик бошқарувининг мутасадилик қилинадиган органлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринbosарлари бошчилик қиладиган тегишли Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар иши самарадорлигини таъминлайди улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини мувофиқлаштиради ва назорат килади;

ўз ваколатлари доирасида ташки иқтисодий фаолият соҳасида қонун хужжатларини шарҳлайди ва улар бўйича тушунтиришлар беради;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш бўйича таклифлар тайёрлайди, кўриб чиқиш ва чора-тадбирлар кўриш учун ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади, уларнинг ўз вактида кўриб чиқилишини назорат қиласи, фуқароларни қабул қилишни амалга оширади;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Департаментнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

8. Департамент ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Департамент ваколатига кирадиган масалаларни Вазирлар Маҳкамасининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан белгиланган тартибда сўраш;

ташки иқтисодий алоқалар ва хорижий инвестицияларни жалб этиш масалалари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, шунингдек давлат-тижорат банкларининг хисоботларини эшитиш ва ўз ваколатлари доирасида уларга топшириклар бериш;

Вазирлар Маҳкамасида қўриладиган масалаларни пухта ишлаш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари вакилларини зарурат бўлганда белгиланган тартибда жалб этиш;

ташки алоқалар соҳасида энг муҳим муаммолар бўйича маслаҳатлашиш, уларни ўрганиш ва ҳал этиш, ушбу соҳада таклифлар тайёрлаш учун вақтингчалик ишли гурухлар ташкил этиш учун Ўзбекистон Республикаси олимлари ва мутахассисларини, шунингдек хорижий экспертларни жалб этиш;

молиявий ва техник қўмаклашиш бўйича халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотларга ҳамда хорижий агентликларга сўровлар юбориш;

халқаро, хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотларнинг, хорижий ҳукумат муассасаларининг вакиллари билан олиб бориладиган музокараларда қатнашиш;

халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича халқаро конференциялар, конгресслар, симпозиумлар ва кенгашлар ишида, давлатлараво ва ҳукуматлараво ҳамкорлик масалалари бўйича музокараларда келишув бўйича белгиланган тартибда қатнашиш;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

мутасаддилик қилинадиган вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, хўжалик бошқаруви органларининг коллегиал органлари мажлислирида, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, Бош вазир ўринbosарининг топшириғига биноан эса давлат бошқа органларининг, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг Департамент тасарруфидаги соҳага кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган мажлислирида ва йиғилишларида қатнашиш;

ташқи иқтисодий ва инвестиция фаолиятига тегишли қисм бўйича Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини такомиллаштиришга доир таклифлар киритиш;

ўзаро ҳамкорлик масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идоралари, шунингдек халқаро, хорижий молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, хорижий ҳукумат муассасалари билан мустақил ёзишмалар олиб бориш;

ўз ваколатлари доирасида Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва идораларининг ахборотлари ва электрон маълумотлар базаларидан фойдаланиш;

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни зарурат бўлганда қайтариб юбориш.

Департаментнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа ҳужжатлар лойихаларини пухта ишлаб чиқиш бўйича талаблари, агар Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Департамент белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

9. Департамент:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун; Вазирлар Маҳкамасига киритилган таклифлар ва масалаларни эксперт жиҳатидан сифатли ишлаб чиқишнинг ташкил этилиши учун;

халқаро молиявий ва иқтисодий ташкилотлар, хорижий ҳукумат муассасалари ва йирик инвесторларнинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги таклифлари ишлаб чиқилиши;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг қарорлари ва бошқа ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти топширикларининг мутасаддилик қилинадиган идоралар томонидан ўз вақтида ва сифатли бажарилиши таъминланиши учун;

Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизомини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қарорига мувофиқ ижро интизоми мустаҳкамланиши учун жавоб беради.

IV. Департаментнинг тузилмаси

10. Департаментнинг тузилмасига Департамент мудири, халқаро ҳамкорлиқда устуворликларни амалга ошириш; жалб этиладиган хорижий инвестициялар амалга оширилиши устидан назорат қилиш; экспорт салоҳиятни кенгайтириш ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурларини амалга ошириш; халқаро молиявий институтлар ва донор мамлакатлар билан алоқалар мониторингини олиб бориш; Марказий Осиё ва МДҲ мамлакатлари билан ҳамкорлик қилиш; ташқи савдо ва транспорт компаниялари фаолиятини мувоғиқлаштириш масалалари бўйича бош ва етакчи мутахассислар, шунингдек инспектор киради. Департамент тузилмасига шунингдек Экспорт салоҳиятни ривожлантиришни рафбатлантириш бўйича Республика кенгашининг котиби ҳам киради.

Департамент тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

11. Департамент ишига мудир раҳбарлик қиласи.

12. Департамент мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Департамент фаолиятини ташкил этиш

13. Департамент иши «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг бўйруқлари ва топшириқларига мувоғик, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг иш режаси, Департаментнинг чораклик иш режаси, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Департаментнинг чораклик иш режаси, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари билан келишилади ва Департамент мудири томонидан тасдиқланади.

14. Департамент мудири:

Департаментга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қиласи ҳамда Департаментга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ҳамда ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

Вазирлар Маҳкамасига киритилган Департамент мутасаддилик қиладиган соҳага киравчи масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқади, мазкур лойиҳаларга розилик беради ҳамда улар юзасидан эксперт хуносаларни имзолайди;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Департамент фаолияти соҳасига киравчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорини талаб қилмайдиган хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларига кўриб чиқиш учун юборади;

Департамент мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган ўйриқномага мувоғиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

Департамент ишини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, Департамент мутахассислари малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилган тақлифларни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosарига тақдим этади.

15. Департамент мудири вақтinchалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosари томонидан белгиланадиган Департаментнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

16. Департаментнинг бош мутахассиси:

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлади, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

ишлаб чиқилаётган қарорлар лойиҳаларини амалга оширишнинг ижтимоий-иктисодий оқибатларини эксперт баҳолашни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан бажарилишини назорат қиласди;

телиши туркумланган маълумотлар базалари яратилишини ва юритилишини, унинг мунтазам равища янгилаб борилишини ташкил қиласди;

материаллар тўғрисида Департамент мудирига, шунингдек белгиланган тартибида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ахборот беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур таҳлилий материалларни, прогнозлар ва эксперт хулосаларни тайёрлади;

ислоҳотларни чуқурлаштириш, янада ривожлантириш, шунингдек иктисодиётнинг тегиши тармоқларидаги ва худудлардаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифларни ишлаб чиқади ва Департамент мудирига тақдим этади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўтказиладиган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўтказадиган йиғилишларда белгиланган тартибида қатнашади;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда кўриб чиқишига материаллар тайёрлаш учун, шунингдек

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қилиш учун ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан йиғилишлар ўтказди;

тегишли масалалар бўйича етакчи мутахассиснинг фаолиятини назорат киласди.

17. Департаментнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Департамент мудири ва бош мутахассиснинг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ҳамда топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарларининг ўзига биркитилган масалалар бўйича топшириқлари бажарилишининг ҳолати тўғрисидаги ахборотларни тўплайди ва умумлаштиради;

тегишли туркумланган маълумотлар базаларини шакллантиради, уларнинг тўлдирилишини ва мунтазам равишда янгилашиборишини таъминлайди;

материалларни Департамент мудирига ва бош мутахассисга, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тегишли ўринbosарига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар томонидан тақдим этилган материалларни ўрганади, ўзига биркитилган масалалар бўйича ахборотларни умумлаштиради, зарур маълумотномаларни ва таҳлилий материалларни тайёрлайди;

ўзига биркитилган масалалар бўйича ўtkaziladigan Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари ўtkazadigan йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идораларо комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ўtkazadigan йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

бош мутахассис билан келишган ҳолда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорларининг ишлаб чиқилаётган лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қиласди.

18. Департаментнинг етакчи мутахассиси (юрист):

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида норматив хужжатлар лойиҳалари ишлаб чиқилиши, келишилишини ташкил этади, уларнинг амалдаги қонун хужжатларига ва Ўзбекистон Республикасининг халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини юридик экспертизадан ўтказди;

Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа хужжатлар лойиҳалари бўйича юридик хulosаларни бош мутахассис ва Департамент мудирининг кўриб чиқиши учун киритади;

ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришни хуқуқий таъминлайди;

ташқи иқтисодий фаолият түғрисидаги қонун ҳужжатлари түғри қўлланилишини таъминлашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириша қатнашади;

давлат бошқаруви органлари ва ташқи иқтисодий фаолият субъектлари томонидан ташқи иқтисодий фаолият түғрисидаги қонун ҳужжатларини ўрганади, уларнинг қўлланилиши амалиёти ва самарадорлигини умумлаштиради;

ташқи иқтисодий алоқаларни ҳукуқий таъминлаш масалалари бўйича хорижий давлатлар ҳукуматлари, фирмалар, компаниялар ва ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар, ҳалқаро ташкилотларнинг вакиллари билан олиб бориладиган музокараларда қатнашади;

ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш масалалари бўйича мамлакатимиз юридик ва жисмоний шахслари ҳамда хорижий юридик ва жисмоний шахслар билан кенгашлар ва маслаҳатлашувларни белгиланган тартибда ташкил этади ва ўтказади;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида ҳалқаро шартномаларни тайёрлаш жараёнини мувофиқлаштиришда ва уларнинг бажарилиши мониторингида қатнашади;

энг муҳим инвестиция лойиҳалари бўйича шартномалар (контрактлар, битимлар)ни ўрганади ва уларнинг ҳукуқий экспертизаси натижаларига баҳо беради;

энг муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичлари мониторингини мустақил амалга оширади ва уни ташкил этишда қатнашади;

ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида норматив-ҳукуқий ҳужжатлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари бўйича юридик хulosалар беради;

материалларнинг ишланиши сифати, топшириклар бажарилиши назорат қилинишини таъминлаш ва ўзига юкланган функциялар бажарилиши учун жавоб беради.

19. Етакчи мутахассис — Экспорт салоҳиятни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши котиби:

Экспорт салоҳиятни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши мажлислари ўтказилишини ташкилий таъминлайди;

Экспорт салоҳиятни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши мажлисларини ўтказиш учун материаллар тўпланиши, таҳлил этилиши, умумлаштирилиши ва тайёрланишини таъминлайди;

Экспорт салоҳиятни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши қарорлари тегишлича расмийлаштирилишини амалга оширади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ишини мувофиқлаштиради ва Экспорт салоҳиятни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича Республика кенгаши қарорлари бажарилиши назорат қилинишини таъминлайди.

20. Инспектор Департаментда иш юритилишини таъминлайди, ҳужжатларнинг ўтишини назорат қиласди, ҳужжатлар йифмажилларининг тайёрланишини ва архивда сақлашга ўз вактида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИННИГ ҚАРОРИ

496 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг функционал бўлимлари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини ташкил этиш тўғрисида» 2004 йил 12 октябрдаги 475-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Назорат бўлими тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Кадрлар бўлими тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Умумий бўлими тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Фуқароларни қабул қилиш, хат ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими тўғрисидаги низом 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари Р.В. Абдуқодиров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 2 декабрь,
564-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Назорат бўлими тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий коидалар

1. Назорат бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда унинг Аппарати топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топшириқларининг таркибий бўлинмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил

Ўзбекистон Республикаси Конун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

этишни таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонуларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва топшириклари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириклари ҳамда унинг Аппарати топшириклари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топшириклари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топширикларининг таркибий бўлинмалар томонидан ўз вақтида ижро этилиши бўйича ишларни ташкил этиш;

электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиши тизими асосида хужжатлар ва топширикларнинг ўз вақтида ижро этилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизими амалга оширилишини таъминлаш;

Бош вазир котибияти, Бош вазирнинг ўринбосарлари аппаратлари, Вазирлар Маҳкамасининг департаментлари ва бўлимларида ижро назоратини ташкил этишга методик раҳбарлик қилиш;

ишларни мувофиқлаштириш ва Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг барча таркибий бўлинмаларида ижро интизоми ахволини ўрганиш, мавжуд камчиликларни бартараф этишда зарур ёрдам қўрсатиш, камчиликлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини, унинг ўринбосарларини, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарини ва таркибий бўлинмалар раҳбарларини хабардор қилиш;

республика вазирликлари, идоралари ва ҳокимликларига электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиши тизимини жорий этиш асосида хужжатларнинг бажарилишини рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини такомиллаштириш масалаларида методик ёрдам қўрсатиш;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркибий бўлинмаларининг тармоқ ахборот ресурсларидан, шу жумладан Интернет ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш бўйича ишларини мувофиқлаштириш.

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида Вазирлар Маҳкамасининг «Ижро интизоми ни мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 январдаги 12-сон қаро-

рига мувофиқ ҳужжатлар ва топширикларнинг ўз вақтида ижро этилиши бўйича ишларни мувофиқластиради;

хужжатлар ва топширикларнинг автоматлаштирилган назоратга қўйилишини, уларнинг бажарилишини кузатиб боришни, огохлантирувчи назоратни, ижро интизомини якунлашни таъминловчи электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши ягона тизимининг маълумотлар базасини юритади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ва Бош вазир котибиятига ижро интизомининг жорий (хар кунлик) ва хар ойлик таҳлилини тақдим этади;

назорат самарадорлигини ошириш, шунингдек янги ахборот технологияларини жорий этиш асосида ҳужжатлар ва топшириклар бажарилишини ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига киритади;

огохлантирувчи назоратни ташкил қиласди. Ушбу мақсадларда хар ўн кунда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркиби бўлинмалари раҳбарларига навбатдаги ўн кунликда ишлари тугалланиши лозим бўлган ҳужжатларни шакллантиради ва улар тўғрисидаги маълумотнома-эслатмаларни ёзма ва электрон шаклда юборади. Хар ойда навбатдаги ой мобайнида ишлари тугатилиши лозим бўлган ҳужжатларни шакллантиради ва улар тўғрисида Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради хамда таркиби бўлинмалар раҳбарларига эслатмалар юборади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига Аппаратнинг таркиби бўлинмалидаги ижро интизоми ахволини ўрганиш натижалари тўғрисида ахборот беради, унинг топширигига мувофиқ аниқланган камчиликлар ва коида бузилишларини бартараф этиш тўғрисида буйруқ ва фармойишлар лойиҳалари тайёрлайди;

хар чоракдаги мажлисларда кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун ўтган чоракдаги ижро интизоми ахволи тўғрисида маълумотларни ижрочилар бўйича уларнинг масъулиятини ошириш юзасидан улар томонидан тегишли қарорлар қабул қилиш учун тайёрлайди ва Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркиби бўлинмалари раҳбарларига беради;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркиби бўлинмалари мутахассислари — ҳужжатлар ижрочилари томонидан топширикларни бажарганлик тўғрисида тақдим этилган ҳужжатлар асосида уларни назоратдан чиқариш ишларини амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланган жадвал бўйича мунтазам равишда республика вазирликлари, идоралари ва ҳокимликларида ижро интизоми назорати ташкил этилишини ва унинг ахволини ўрганади, уларнинг натижалари бўйича электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши тизимини жорий этиш асосида ижрони рўйхатга олиш, ҳисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини такомиллаштириш масалаларида методик ва амалий ёрдам кўрсатади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркиби бўлинмаларининг тармоқ ахборот ресурсларидан, шу жумладан Интернет ресурсларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши юзасидан мунтазам мониторинг ўтказади ва унинг натижалари бўйича хар ойда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига ахборот беради;

электрон иш юритиш ва ҳужжатлар айланиши ягона тизимиға янги дастурий воситалар жорий этилишига қараб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркиби бўлинмалари ходимларини ўқитади;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

Ўзбекистон Республикаси Аппарати Раҳбарининг топшириғига биноан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йиғилишларида қатнашиш;

хужжатлар ва топшириқлар бажарилишини хисобга олиш, уларнинг айланиши, таҳлил ва назорат қилиш ягона тизимини такомиллаштириш масалаларини ишлаб чиқиш учун, шунингдек электрон иш юритиш ва хужжатлар айланиши тизимининг дастурий-техник комплексини ривожлантириш бўйича таклифлар тайёрлашда давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини зарурат бўлганда белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадлар учун ишчи гурухлар ташкил этиш.

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотлар, шунингдек ва бошқа хужжатлар тақдим этиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. Бўлим:

ўзига юкланган вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қарорлари ва топшириқлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва топшириқлари ҳамда унинг Аппарати топшириқлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми қарорлари ва топшириқлари, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириқларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати таркибий бўлинмалари томонидан ўз вақтида ижро этилиши юзасидан назоратни ташкил этишнинг комплекслилиги ва сифати учун жавоб беради.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, битта бош мутахассис ва иккита етакчи мутахассис киради.

Бўлим тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

11. Бўлим мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибиға, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

13. **Бўлим мудири:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишларини ташкил қиласи ҳамда мазкур Низомга мувофиқ Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун тўлиқ жавоб беради;

Бўлим мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради, зарур ижро интизомини таъминлайди, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ Бўлимда иш юритишини ташкил қиласи;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлислирида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказидиган йиғилишларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказидиган йиғилишларда катнашади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппарати мутахассисларини хисоблаш техникиси воситалари, жорий этилаётган янги дастурлар билан ишлашга, шунингдек «Интернет» тизимида ишлашга ўқитишни ташкил қиласи;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассислар иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади.

14. Бўлим мудири вақтинчалик бўлмаган тақдирда унинг вазифасини бош мутахассис бажаради.

15. Бўлимнинг бош мутахассиси ва етакчи мутахассислари ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифаларига мувофиқ амалга оширади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Аппаратининг Юридик бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Юридик бўлим (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолиятини хуқуқий жиҳатдан таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Хукумати Аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигида амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Куйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми ва Аппаратининг кўриб чиқиши учун киритилган масалалар ва хужжатларнинг хуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари лойиҳаларининг, шунингдек Ҳукумат томонидан киритиладиган ёки келишиладиган Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, бошқа қонун хужжатлари лойиҳаларининг амалдаги қонун хужжатларига ва қонунчилик техникиси қоидалари талабларига мувофиқлигини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириклигига мувофиқ қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлаш, уларни тайёрлашда катнашиш;

қонун тузиш фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда катнашиш;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳалари ва бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Котибияти билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш.

6. Бўлим ўзиға юкланган вазифаларни бажариш учун қуийдаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми кўриб чиқиши учун ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари муҳокамаси учун киритиладиган ҳукукий масалалар бўйича таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни тайёрлайди;

Ҳукумат қарорларини, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари бошчилик қиласидан Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар қарорларини, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириқларини тайёрлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига ҳамда Вазирлар Маҳкамаси Аппарати мутахассисларига ҳукукий масалалар бўйича маслаҳат беради;

қонунлар ва бошқа норматив-ҳукукий хужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказади ҳамда уларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонун хужжатларига, шунингдек қонунчилик техникаси қоидалари талабларига мувофиқлиги тўғрисида хulosалар тайёрлайди;

қонун хужжатларининг туркумлаштирилган хисобини, қонун хужжатлари бўйича маълумотнома ишларини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Умуний бўлими билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг Қарорлари тўплами (ҚТ)ни нашрда тайёрлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларини, унинг мутахассисларини норматив-ҳукукий хужжатлар матнлари, шунингдек қонун хужжатлари бўйича маълумотнома материаллар билан таъминлашни яхшилаш чораларини кўради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларига мувофиқ қонун хужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари лойиҳаларини тайёрлайди, уларни тайёрлашда катнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқарувининг тегишли органлари, бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда Ҳукумат қарорларини белгиланган тартибда тайёрлайди, уларни талқин қилиш ва қўллаш бўйича тушунтиришлар беришда катнашади ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Президиуми, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

қонун яратиш фаолиятини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа органлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорлик қиласиди;

қонун хужжатларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари-

га мувофиқлаштириш, ҳуқуқий тартибга солишининг тизимли ва тўлиқ бўлишини таъминлаш ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқади;

қонун хужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қиласди ва умумлаштиради ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари кўриб чиқиши учун киритади;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Котибияти билан ўзаро ҳамкорлик қиласди, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан киритилган қонун лойиҳаларининг улар томонидан муҳокама қилинишида қатнашади;

Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича қонун лойиҳаларининг ишлаб чиқилишини ва белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига тақдим этилишини ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йифилишлар материалларини тайёрлашда ва мазкур йифилишларда қабул қилинадиган карорларни расмийлаштиришда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари лойиҳаларини ҳуқуқий жиҳатдан ишлаб чиқади, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолияти билан боғлик ҳуқуқий хужжатларни тайёрлашда қатнашади;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқади ва уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш юзасидан таклифлар тайёрлайди, ушбу мурожаатларни тегишли давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўриб чиқиш ва чора кўриш учун юборади, уларнинг ўз вақтида кўриб чиқилишини назорат қиласди, фуқароларни шахсан қабул қиласди;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуийдаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

тегишли материаллар ва хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакиллари иштирокида йифилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топшириғига биноан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ва йифилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органла-

ри, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гурухлар ташкил этиш;

зарурат бўлгандаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган хужжатларни қайтариб юбориш;

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотларни тақдим этиш, шунингдек Ўзбекистон Республикаси конунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини пухта ишлаш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари топширикларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. Бўлим:

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун; Вазирлар Маҳкамасига киритилган хужжатлар лойиҳалари юридик экспертизасининг комплекслилиги ва сифати учун жавоб беради.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, иккита бош мутахассис ва битта етакчи мутахассис, шунингдек I тоифали иш юритувчи-котиба киради.

Бўлим тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

11. Бўлим мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича Йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири топширикларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруклари ва топширикларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

13. Бўлим мудири:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қиласи ҳамда Бўлимга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган Бўлимнинг ваколатига кирадиган масалалар бўйича хужжатлар ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини

кўриб чиқиши ташкил этади, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга розилик беради ва улар юзасидан эксперт хулосаларни имзолайди;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркиби бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни юридик экспертизадан ўтказади ва ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли тахлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалари тайёрланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлислирида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Хукумат комиссиялари ва идоралароро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлислирида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Бўлим ваколатига кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлардан тушган, улар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори талаб қилинмайдиган хужжатларни давлат ва хўжалик бошқаруви тегишли органларининг кўриб чиқиши учун юборади;

Бўлим мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди:

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ ишларнинг юритилишини таъминлайди;

чиқадиган хат-хабарларни имзолайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш тўғрисидаги, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари тақдим этади.

14. Бўлим мудири вактинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан белгиланадиган Бўлимнинг бош мутахассисаридан бири бажаради.

15. **Бўлимнинг бош мутахассиси:**

ўзига биркитилган масалалар бўйича материалларни ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бўлим мудири топшириқларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ва топшириқларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркиби бўлинмалари томонидан тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойиҳаларини ва бошқа материалларни ўрганади, уларни юридик экспертизадан ўтказади ва ишлаб чиқади, улар бўйича тегишли тахлилий ва маълумотнома материаллар, эксперт хулосалари тайёрлайди;

материаллар ҳақида Бўлим мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига, унинг ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари ахборот беради;

конун хужжатларини ва хукукни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларини талқин қилиш ва тушунтириш бўйича таклифларни ишлаб чиқади ва Бўлим мудирига тақдим этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлис-

ларида, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар ҳамда кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан ўтказиладиган ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

ўзига биркитилган масалалар бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошка органлар ва ташкилотларнинг вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан материалларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринбосарлари томонидан ўтказиладиган йиғилишларда кўриб чиқишига тайёрлаш, шунингдек ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама этиш учун йиғилишлар ўтказади.

16. Бўлимнинг етакчи мутахассиси:

материаллар ва хужжатлар лойиҳаларини тайёрлайди, Бўлим мудири топширикларини бажаради, материалларнинг ўз вақтида тайёрланиши, сифатли ишлаб чиқилиши ва топширикларнинг бажарилиши устидан назоратнинг таъминланиши учун шахсан жавоб беради;

норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини юридик экспертизадан ўтказади ва улар юзасидан эксперт хулосалари тайёрлайди;

материалларни Бўлим мудирига, шунингдек белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Бosh вазирига, унинг ўринбосарларига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади;

хукуқий масалалар бўйича тегишли маълумотнома ва таҳлилий материаллар тайёрлашда қатнашади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бosh вазири ва унинг ўринбосарлари ўтказиладиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан ўтказиладиган ўзига биркитилган масалалар бўйича йиғилишларда белгиланган тартибда қатнашади;

Бўлим мудири ва тегишли бош мутахассис билан келишган ҳолда ижродаги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ҳукумат қарорлари лойиҳаларини давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошка органлар ва ташкилотлар вакиллари, олимлар ва мутахассислар билан уларни тайёрлаш мақсадида муҳокама қиласди.

17. I тоифали иш юритувчи-котиба Бўлимда иш юритилишини таъминлайди, хужжатлар ўтишини назорат қиласди, хужжатлар йиғмажилларининг тайёрланишини ва архивда саклаш учун ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошка функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарорига
3-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Аппаратининг Кадрлар бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Кадрлар бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати фаолиятини кадрлар жиҳатидан таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Хукумати Аппаратининг функционал таркиби бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркиби бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириғига биноан давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг раҳбар ходимларини тасдиқланган номенклатурага асосан лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш масалалари бўйича хужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

б) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркиби бўлинмалари билан биргаликда:

талаф қилинаётган ихтисослар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратини масъул ходимлар ва хизматчилар билан ўз вақтида ва сифатли бутлашни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида ишлаш учун тегишли номенклатура бўйича кадрлар захирасини шакллантириш ва тайёрлашни;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ходимларининг ишлаб чиқариш — иқтисодий таълим олишини;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати масъул ходимлари ва хизматчиларини белгиланган тартибда аттестациядан ўtkазишни ташкил этиш;

в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг шахсий таркиби ҳисобини юритиш, мунтазам (ҳар йиллик) асосда ходимларнинг шахсий хужжатлари йигмажилдларини янгилаш.

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ходимларни лавозимга тайинлашда (эгаллаб турган лавозимидан озод этишда) хисобга олиш хужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштиради, тегишли кўрсатма хужжатларни тайёрлади;

ходимларнинг сифат таркибини яхшилаш, лавозимга кўтариш учун пухта захира ишларида фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати кадрларининг малака, маълумот ва ёш даражаси тўғрисида ҳамда бошқа ижтимоий-демографик маълумотлар кўрсаткичлари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг турли шакллари бўйича ишларни ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида кадрлар хисобини юритади, ушбу масала бўйича ахборотлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ходимларини аттестациядан ўткизишни ташкил этади, аттестация комиссиялари қарорларини бажариш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва уларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ходимларига тааллукли тушадиган хатлар, шикоятлар ва аризаларни кўриб чиқади;

Аппарат ходимларини Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотлари билан мукофотлашга тақдим этиш учун хужжатларни тайёрлади. Мукофотлар, рағбатлантиришлар ва танбеҳлар хисобини юритади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати ходимларига пенсия тайинлаш учун зарур хужжатларни тайёрлаш ва расмийлаштиришни таъминлайди;

ички меҳнат тартиби қоидаларига риоя қилиниши юзасидан назоратни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси номенклатурасидаги ходимлар, унинг Аппарати ходимларининг хизмат гувоҳномаларини расмийлаштиради, беради ва уларнинг хисобини юритади;

Бўлимга юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириғига биноан давлат органлари, хўжалик бошқаруви органлари, нодавлат нотижорат ва бошқа ташкилотларнинг мажлислари ҳамда йиғилишларида қатнашиш;

зарурат бўлганда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида кўриб чи-

қиладиган масалаларни ишлаб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотларнинг раҳбарлари ва вакилларини белгиланган тартибда жалб этиш, ушбу мақсадларда ишчи гурухлар ташкил этиш.

8. Бўлим:

Бўлимга юкланган вазифаларнинг тўлиқ ҳажмда бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятига ахборот бериш учун материаллар ва хужжатларни белгиланган муддатларда тайёрлашнинг таъминланиши учун;

кадрлар ҳисобга олинишининг ва улар билан ишлаш бўйича ҳисоботларнинг ахволи, кадрлар бўйича хужжатларнинг сақланиши ва ишларнинг юритилиши учун;

аризалар ва хатлар бўйича масалаларнинг ўз вақтида кўриб чиқилиши ва ҳал қилиниши учун жавоб беради.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, шунингдек I тоифали иш юритувчи-котиба киради.

Бўлимнинг тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қилади.

11. Бўлим мудири ва I тоифали иш юритувчи-котиба белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг бўйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси нинг иш режаси, Бўлимнинг чораклик иш режаси асосида ташкил этилади.

Бўлимнинг чораклик иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланади.

13. Бўлим мудири:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади ҳамда Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг ахволи учун шахсан жавоб беради;

тасдиқланган номенклатура бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбар ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш билан боғлиқ хужжатларни тайёрлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчisi — Ташкилий-назорат хизмати раҳбари билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилган хужжатлар лойиҳалари кўриб чиқилишини ташкил қилади, кўрсатиб ўтилган лойиҳаларга розилик беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳ-

бари томонидан Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Бўлим ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган ўёриқномага мувофиқ Бўлимда иш юритилишини таъминлайди;

чикувчи хат-хабарларни имзолайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рафбатлантириш ҳамда уларга танбех бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади.

14. I тоифали иш юритувчи-котиба иш юритишни таъминлайди, Бўлимда хужжатларнинг ўтишини назорат килади, йиғмажилларни архивда саклашга тайёрлаш ва уларнинг ўз вақтида берилишини таъминлайди, ўзига юкланган бошқа функцияларни бажаради.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 декабрдаги 564-сон карорига
4-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Аппаратининг Умумий бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Умумий бўлим (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритишни таъминлайдиган, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, унинг Президиуми мажлисларини техник жиҳатдан тайёрлайдиган ва уларга хизмат қўрсатадиган Ўзбекистон Республикаси Хукумати Аппаратининг функционал таркиби бўлинмаси ҳисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қилади.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркиби бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Қуидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

тасдиқланган норматив-хукукий хужжатларга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиши таъминлаш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлисларини техник жихатдан тайёрлаш ва уларга хизмат кўрсатиш;

Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Аппарати фаолиятида вужудга келадиган хужжатлар ва иш юритиш тугалланган хужжатлар йиғмажиллари сақланишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш тартибини ва архив ишини янада такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши ва киритиш.

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуидаги функцияларни амалга оширади:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларида иш юритишга методик раҳбарлик қиласи;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларида Иш юритиш бўйича йўриқнома талабларига риоя этилишини назорат қиласи;

иш юритиш жараёнларини такомиллаштириш ва автоматлаштириш тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Хукумат қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлислари баённомаларини рўйхатдан ўтказади, ҳисобга олади, расмийлаштиради, кўпайтиради ва жўнатади, улардан ва бошқа хужжатлардан кўчирмалар тайёрлайди ва жўнатади, зарурат бўлганда уларни оммавий ахборот воситаларида эълон қиласи;

Вазирлар Маҳкамасининг ҳар ойлик Қарорлар тўплами, шунингдек Юридик бўлими билан биргаликда республика Хукуматининг Қарорлари тўплами чиқарилишини таъминлайди;

таркибий бўлинмалар билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумига техник хизмат кўрсатилишини таъминлайди, шу жумладан: таклиф этилганларнинг умумлаштирилган рўйхатини тузади, таркибий бўлинмалар мутахассислари билан биргаликда материалларни Вазирлар Маҳкамасига ва унинг Президиуми мажлисларига танлайди, кўпайтиради, уларни мажлис қатнашчиларига жўнатади; хужжатлар ёзилишини, таклиф этилганлар рўйхатдан ўтказилишини, Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлислари стенография ва синхрон таржима қилинишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари мутахассислари билан биргаликда Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиуми мажлислари баённомалари тайёрланишини таъминлайди;

тушаётган хат-хабарларни қабул қиласи, рўйхатдан ўтказади, ҳисобга олади, тақсимлайди ва мансублигига кўра етказиб беради, чиқадиган хат-хабарларни қабул қиласи ва жўнатади;

таркибий бўлинмаларда хужжатлар йиғмажилдининг номенклатурасини аниқлаштиради, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати учун йиғма номенклатура тузади, унга риоя этилишини назорат қиласи;

иш юритиш тугалланган хужжатлар йиғмажилларини Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларидан қабул қиласи, ҳисобга олади ва сақлайди, жорий архив шакллантирилишини таъминлайди, хужжатлар йиғмажиллари ва

хужжатларни белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат архивига беради;

ходимларга иш юритиш бўйича йўл-йўриқлар беради, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг янги ходимларини хужжатлар билан ишлашни ташкил этиш масалалари бўйича ўқитиш ва таниширишни ташкил этади;

Хукуматнинг қарорлари, фармойишлари лойиҳалари ва Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа материаллари таҳхир этилиши, таржима қилинишини амалга оширади;

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритишни ташкил этиш учун тегишли муҳрлар, штамплар ва бланкаларни тайёрлайди, уларнинг хисобга олиниши ва сакланнишини таъминлайди;

ўзига юклangan бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуийдаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юклangan вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

тегишли материаллар ва хужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмалари раҳбарлари ва мутахассислари иштирокида йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритишнинг йўлга қўйилганлигини текшириш, текширилаётган масалалар бўйича таркибий бўлинмаларда барча хужжатлар ва материаллар билан танишиш;

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотлар тақдим этиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топшириқларида бажаришнинг бошқа муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. Бўлим:

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритишнинг сифати учун жавоб беради.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, бош ва етакчи мутахассислар, мутахассис, архив ва машинкада ёзиш бўлинмаси мудирлари, иш юритувчи котибалар, машинкада ёзувчилар, шунингдек стенографистка киради.

Бўлим тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қилади.

11. Бўлим мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибиға, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўриқномага, Вазирлар Маҳкамасининг Раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири, унинг ўринbosарларининг топшириқларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топшириқларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режалари, Бўлимнинг чораклик иш режалари асосида ташкил этилади.

13. Бўлим мудири:

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, Бўлим мутахассислари, бошқа ходимлари ишини ташкил қиласди ҳамда Бўлимга юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши, ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринbosарлари ўтказидиган йиғилишларда, Ҳукумат комиссиялари ва идоралараро комиссиялар, кенгашлар ва ташкилий қўмиталар мажлисларида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Бўлим юритадиган соҳага кирадиган масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

Бўлим мутахассислари ва бошқа ходимлари ўртасида вазифаларни тақсимлайди:

Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

чиқадиган хат-хабарларни имзолайди;

Бўлим ишларини такомиллаштириш, мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим ходимларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рабатлантириш ҳамда уларга танбеҳ бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарида тақдим этади.

14. Бўлим мудири вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг Раҳбари томонидан белгиланадиган Бўлимнинг бош мутахассисларидан бири бажаради.

15. Бўлимнинг бош ва етакчи мутахассислари, мутахассиси, бошқа ходимлари ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланадиган функционал вазифалар тақсимланишига мувофиқ амалга оширадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 2 декабрдаги 564-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Аппаратининг Фуқароларни қабул қилиш, хат ва
аризаларни кўриб чиқиш бўлими тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Фуқароларни қабул қилиш, хат ва аризаларни кўриб чиқиш бўлими (кейинги ўринларда Бўлим деб юритилади) фуқаролар мурожаатларининг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва унинг Аппарати томонидан кўриб чиқилишини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати Аппаратининг функционал таркибий бўлинмаси хисобланади.

2. Бўлим ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, шунингдек мазкур Низомга амал қиласди.

3. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ва Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири раҳбарлигига амалга оширади.

Бўлим Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига бўйсунади.

4. Бўлим ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмалари, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

II. Бўлимнинг вазифалари ва функциялари

5. Қўйидагилар Бўлимнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига келиб тушган ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаш мониторингини олиб бориш ва уларни таҳлил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбарияти, шунингдек таркибий бўлинмаларнинг раҳбарлари ва мутахассислари томонидан, зарур ҳолларда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакилларини жалб этган холда, фуқаролар қабул қилинишини ташкил этиш;

республика Ҳукуматига тушган ҳамда кўриб чиқиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборилган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларида кўриб чиқишга берилган фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқиш юзасидан назоратни юритиш;

фуқароларнинг мурожаатлари масалалари бўйича қонун хужжатлари лойиҳаларини тайёрлашда қатнашиш;

фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлашни такомиллашти-

риш ва унинг самарадорлигини оширишга доир таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш.

6. Бўлим ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

фуқароларни қабул қиласи, уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ёзма ва оғзаки мурожаатларини рўйхатдан ўтказади ва ҳисобини юритади;

фуқароларни қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича таҳлилий, маълумотнома материаллар ва бошқа материалларни мунтазам равишда тайёрлайди;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринbosарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан шахсан қабул қилинишини ташкил этади;

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатлари билан ишлаши мониторингини олиб боради;

фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш бўйича методик тавсияномалар ва таклифлар ишлаб чиқади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларида фуқароларнинг мурожаатлари бўйича амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширади;

фуқароларнинг мурожаатларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг тегишли таркибий бўлинмаларига, давлат ва хўжалик бошқаруви органларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва тегишли чора-тадбирлар кўриш учун юборади;

Бўлим ваколатига тегишли масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари ижроси назоратини таъминлади ҳамда қарорлар ва топширикларнинг бажарилиши тўғрисида раҳбариятга вақти-вақти билан ахборот беради;

ўзига юкланган бошқа функцияларни белгиланган тартибда амалга оширади.

III. Бўлимнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

7. Бўлим ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган материаллар ва маълумотларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг бошқа таркибий бўлинмаларидан, давлат ва хўжалик бошқаруви органларидан, маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан, бошқа органлар ва ташкилотлардан белгиланган тартибда олиш ва сўраш;

фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашни такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа органлар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари иштироқида йиғилишлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратининг таркибий бўлинмаларида фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш бўйича ишларнинг ахволини текшириш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси раҳбариятининг топшириғига биноан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти орган-

ларининг Бўлим ваколатига тегишли масалалар бўйича мажлислари ҳамда йиғилишларида қатнашиш;

фуқароларнинг мурожаатларида баён қилинган холатларнинг холислигини аниқлаштириш учун, зарурат бўлганда, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларини жалб этиш, шунингдек фуқароларнинг мурожаатларини жойнинг ўзига бориб кўриб чиқиш;

зарурат бўлганда «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартиби талаблари бузилган ҳолда тушган ҳужжатларни қайтариб юбориши.

Бўлимнинг зарур материаллар, маълумотлар тақдим этиш бўйича талаблари, агар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг, унинг ўринбосарларининг ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг топширикларида бошқа бажариш муддатлари белгиланмаган бўлса, Бўлим белгилаган муддатларда бажарилиши керак.

8. **Бўлим:**

ўзига юклangan вазифаларнинг зарур даражада ва самарали бажарилиши учун;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш натижадорлиги учун жавоб беради.

IV. Бўлимнинг тузилмаси

9. Бўлимнинг тузилмасига Бўлим мудири, иккита етакчи мутахассис, шунингдек I тоифали иш юритувчи-котиба киради.

Бўлим тузилмаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

10. Бўлим ишларига мудир раҳбарлик қиласи.

11. Бўлим мудири ва мутахассислари белгиланган тартибда лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод қилинади.

V. Бўлим фаолиятини ташкил этиш

12. Бўлим ишлари «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида», «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Вазирлар Маҳкамасининг Иш тартибига, ушбу Низомга, Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида иш юритиш бўйича йўрикномага, Вазирлар Маҳкамаси Раисининг, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг топширикларига, Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарининг буйруқлари ва топширикларига мувофиқ, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг иш режаси, Бўлимнинг чораклик иш режаси, мудир ва мутахассисларнинг шахсий иш режалари ташкил этилади.

Бўлимнинг чораклик иш режалари, мудирнинг шахсий иш режаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан тасдиқланади.

Мутахассисларнинг шахсий иш режалари Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари билан келишилади ва Бўлим мудири томонидан тасдиқланади.

13. **Бўлим мудири:**

Бўлимга бевосита раҳбарликни амалга оширади, мутахассислар ишини ташкил қиласи ҳамда Бўлимга юклangan вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши ва ижро интизомининг аҳволи учун шахсан жавоб беради;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ва унинг Президиумининг мажлисларида, Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири, унинг ўринбосарлари ўтказадиган йиғилишларда, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан Бўлим ваколати соҳасига кирувчи масалалар бўйича ўтказиладиган йиғилишларда қатнашади;

фуқароларнинг Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан шахсан қабул килинишини ташкил этади;

Бўлимдан чиқувчи хат-хабарларни имзолайди;

зарур ҳолларда фуқароларнинг ёзма ва оғзаки мурожаатларини кўриб чиқишида қатнашиш учун давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мансабдор шахсларини жалб этади;

Бўлим мутахассислари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;

фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиши натижаларига аниқлик киритиш учун зарур материаллар ва асосларни сўраб олади;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппаратида амалда бўлган Йўриқномага мувофиқ иш юритилишини таъминлайди;

Бўлим ишларини такомилластириш ва мутахассисларнинг иш малакасини ошириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

Бўлим мутахассисларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш, уларнинг малакасини ошириш, уларни рағбатлантириш хамда уларга танбех бериш тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбарига тақдим этади.

14. Бўлим мудири вақтинча бўлмаган тақдирда унинг вазифасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Аппарати Раҳбари томонидан белгиланадиган Бўлимнинг етакчи мутахассисларидан бири бажаради.

15. Бўлимнинг етакчи мутахассислари, I тоифали иш юритувчи-котибаси ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган функционал вазифаларнинг тақсимланишига мувофиқ амалга оширадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

497 «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасида аккумулятор батареялари ишлаб чиқариши ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

[Кўчирма]

Замонавий аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш бўйича яратилган ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишни таъминлаш, улар билан ички бозорни тўлдириш ва уларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **карор қиласи:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иктисодиёт вазирлиги, Давлат мулки қўмитаси

ва «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг «EurasiaTrans» Limited (Буюк Британия) компаниясини «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасига стратегик инвестор сифатида жалб этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. «Eurasia Trans» Limited (Буюк Британия) компанияси:

«Эксайд АБ Груп Лтд» компаниясининг 51 фоиз акциялар пакетини сотиб олиш йўли билан «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси акциядорла-ри таркибида кириши;

аккумулятор батареялари ишлаб чиқаришни йилига 1,2 млн донагача етказиши, улардан камида 80 фоизини экспортга сотиш мажбуриятини олишни назарда тутувчи бизнес-режа ишлаб чиққанлиги;

«ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасини 4,425 млн АҚШ доллари миқдоридаги айланма маблағлар билан таъминлаш ва лойиҳани амалга ошириш учун жалб этилган кредитларни 1 ва 2-иловаларга* мувофиқ жадвалларга қатъий риоя қилган ҳолда қайтаришни таъминлаш мажбуриятини олганлиги;

«ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасига хом ашё, материаллар ва бутловчи деталлар харид қилишда фойдаланиш учун 3,675 млн АҚШ доллари миқдорида айланма маблағлар сифатида инвестиция бериши;

«ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасига ишлаб чиқарила-диган маҳсулотга «Катод» савдо маркасидан фойдаланиш хукуқини бериши маълу-мот учун қабул қилинсин.

3. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг:

«ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси устав капиталидаги ўзига тегишли 25 фоиз миқдоридаги акциялар пакетининг бир қисмини, «Eurasia-Trans» Limited компанияси томонидан қабул қилинган инвестиция мажбуриятлари бажарилган, шу жумладан илгари жалб этилган кредитлар қайтарилган тақдирда унга 3-иловага мувофиқ муддатларда бериш;

2016 йилда устав капитали таркибини 3-иловага* мувофиқ ўзгартириш тугал-лангандан кейин «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси устав капитали улушларини қўйидаги миқдорларда тақсимлаш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

«Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси улуси — 23,3 фоиз;

«EurasiaTrans» Limited (Буюк Британия) компанияси улуси — 76,0 фоиз;

«Жиззахободончилик» акциядорлик жамияти улуси — 0,7 фоиз.

4. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компанияси «Ўзиккиламчиранглиметалл» акция-дорлик жамияти билан биргалиқда кўроғшин парчаларини йиғишини, шу жумладан жисмоний шахслардан йиғишини ташкил этсан, 2005 йилнинг I ярим йиллигига «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонаси базасида уни қайта иш-лаш линиясини ишга тушириши таъминласин.

«Ўзиккиламчиранглиметалл» акциядорлик жамияти «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядор-лик жамияти қўшма корхонасига 4-иловага* мувофиқ ҳажмларда кўроғшин парча-лари етказиб берилишини таъминласин

5. Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб келинадиган аккумуляторлар учун 2005 йил 1 июлдан бошлаб 5-иловага мувофиқ акзис солиги ставкалари белгилансин.

6. «Ўзавтосаноат» акциядорлик компаниясининг «ЎзЭксайд» ёпиқ акциядорлик жамияти қўшма корхонасида аккумулятор батареялари ишлаб чиқариш лойиҳаси Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 14 январдаги 18-сон билан тасдиқлан-

* 1—4-иловалар берилмайди.

ган Тайёр маҳсулотларнинг янги турларини, уларга қисмлар ва бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш лойиҳалари рўйхатига киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда конун хужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

11. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат килиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ў.Т. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 7 декабрь,
574-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 7 декабрдаги 574-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикасига юридик ва жисмоний
шахслар томонидан олиб келинадиган аккумуляторлар
учун акциз солиги ставкалари**

Товар гурухи рақами	Товарнинг номи	ТИФ ТН бўйича товар коди	Товарнинг божхона қийматидан фоизларда
8507	Электр аккумуляторлари	8507 10 390 8507 10 810 8507 10 890	30 30 45

БЕШИНЧИ БҮЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ НАЗОРАТ
ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИГИНИНГ
БҮЙРУФИ

498 Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида- ги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
30 ноябрда 1186-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 10 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексининг 49-моддасига мувофиқ авиаация ходимларининг соғлигини яхшилаш мақсадида тана оғирлигининг ортиши оқибатида пайдо бўладиган юрак ишемия, гипертония касаллиги, қандли диабет, оёқ қон томирларининг варикоз кенгайиши, модда алмашинуви жараёни бузилишининг олдини олиш ва унга қарши курашиб учун, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2002 йил 4 октябрдаги 128-сон бўйруфи билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси авиация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида низомга (2002 йил 2 ноябрь, рўйхат рақами 1186) иловага* мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг ўн кун муддат ўтгандан кейин кучга кирилсин.

**Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси
бошлиғи X. ТРОБОВ**

Тошкент. ш.,
2004 йил 19 ноябрь,
157-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

499 Тижорат банклари томонидан қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
2 декабрда 1429-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 12 декабрдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида», «Банклар ва банк фоалияти тўғрисида» ва «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **карор қиласди:**

1. «Тижорат банклари томонидан қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низом» иловага* мувофиқ тасдиқлансан.
2. Мазкур низом Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Марказий банк Бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари М. Р. Жумагалдиев зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 6 ноябрь,
24 / 9-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 27 ноябрдан 10 декабргача бўлган маълумот

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиаацияси авиаация ходимларини тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиши давлат инспекцияси бошлигининг 2004 йил 19 ноябрдаги 157-сон буйруғи.

2004 йил 30 ноябряда 1186-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 10 декабрдан кучга киради).

2. «Тижорат банклари томонидан қарам хўжалик жамиятларига қилинган инвестицияларнинг бухгалтерия ҳисобини юритиши тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш хақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 6 ноябрдаги 24/9-сон қарори.

2004 йил 2 декабряда 1429-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 12 декабрдан кучга киради).

II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:

1. «Ўзбекистон Республикаси электр станциялари ва тармоқларини техникаий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш хақида» Ўздавэнергоназорат бошлигининг буйруғи.

Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжат техник ҳужжат деб топилди, шунинг учун у белгиланган тартибда ушбу идора томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.

